

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**40-сон**  
**(1060)**  
**2022 йил**  
**октябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

370. «Наманган тўқимачилик саноати институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 октябрдаги ПҚ–386-сон қарори

371. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 октябрдаги ПҚ–387-сон қарори

*Учинчи бўлим*

372. «Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 558-сон қарори

373. «Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий

этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сон қарори

374. «Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги 568-сон қарори
375. «Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

376. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 августдаги 19/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3391*)
377. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 28 сентябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161-1*)
378. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/2-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-1*)
379. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 5-oktabrdagi 21-mh-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi burug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 5-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2202-5*)
380. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 7 октябрдаги 22-мх-сон «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғриси-

даги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **370** Наманган тўқимачилик саноати институтини ташкил этиш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, республикада тўқимачилик саноатидаги малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Наманган шаҳрида Наманган тўқимачилик саноати институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Институтда ўқув жараёни 2023/2024 ўқув йилидан бошланади ва кредит-модуль тизими асосида ташкил этилади.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тўқимачилик саноати тармоқлари учун меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакага эга олий маълумотли ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

таълим дастурларини етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда, жумладан қўшма таълим дастурлари асосида жорий этиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

таълим билан ишлаб чиқаришнинг интеграциясини кучайтириш, соҳа ташкилотларида талабаларнинг малакавий амалиётини йўлга қўйиш, кафедра филиалларини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил билим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтириш;

ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, жумладан замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини таъминлаш;

илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш, жумладан профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Белгилансинки, Институтда таълим жараёни нуфузли хорижий давлатлар олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда, жумладан қўшма таълим дастурлари асосида ташкил этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Президент таълим муассасалари агентлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси билан ҳамкорликда:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар тўқимачилик саноати ривожланган хори-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 октябрда эълон қилинган.

жий давлатлар олий таълим ташкилотларини ҳамкор сифатида белгилаб, Институт таълим жараёнини замонавий ўқув дастурлари асосида ташкил этсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб:

Институт профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва магистрантларини хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим ташкилотларига илмий стажировка ва малака оширишга юбориш чораларини кўрсин;

Институт талабаларининг танишув ва малакавий амалиётини хорижий ва маҳаллий йирик тўқимачилик корхоналарида ўташ тизимини жорий этсин;

Институт талабаларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этсин;

в) 2024/2025 ўқув йилига қадар Институт ҳузурида тўқимачилик технопарки фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда, Технопарк:

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан жалб этиладиган халқаро ташкилотларнинг грантлари ва салоҳиятли инвесторлар маблағлари ҳисобига, жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилади;

Институт таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади ҳамда унга технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва тижоратлаштириш ҳуқуқи берилади;

хўжалик фаолиятдан олиннадиган даромадлар, грантлар, ҳомийлик хайриялари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2026/2027 ўқув йилига қадар Институтнинг камида 2 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислигининг халқаро тан олинган ташкилотлар аккредитациясидан ўтказилишини таъминласин.

4. Институт таркибида қуйидагилар юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин:

Тўқимачилик матолари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш ҳамда Бўйаш-пардозлаш жараёнлари технологиялари ва уларни тадқиқ қилиш лабораторияларидан иборат тўқимачилик соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактаби;

таълим жараёнида ва ундан ташқари вақтларда талабаларга замонавий либос кўринишларини яратиш имконини берувчи Дизайн студияси;

илмий-тадқиқот ютуқларини тижоратлаштириш ҳамда янги ишланма ва технологияларни амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи Инновациялар ва технологиялар трансфери маркази.

5. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

иш берувчилар талаблари асосида ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ва амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, юқори курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотларини «4+2» тартибида ташкил этиш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва «устоз-шогирд» тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Қуйидагилар:

2023 — 2026 йилларда Наманган тўқимачилик саноати институтини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ;

Наманган тўқимачилик саноати институтини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ;

Наманган тўқимачилик саноати институтида ташкил этиладиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Институтга талабаларни давлат гранти асосида қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Наманган муҳандислик-технология институтига тўқимачилик саноати бўйича бакалавриат ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш бўйича ажратиладиган давлат буюртмаси квотаси Институтга йўналтирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик саноати таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган талабалар ўқиши Институтга кўчирилади;

Институт фаолияти Давлат бюджети маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Наманган муҳандислик-технология институтининг тўқимачилик ўқув лабораторияси жиҳозлари Институт балансига ўтказилади.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар:

Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда халқаро нуфузли олий таъ-

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лим ташкилотларида фаолият юритувчи чет эллик ва (ёки) хорижда яшовчи ватандош профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ўқув ва Илғор тўқимачилик муҳандислиги мактабининг илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этиш чораларини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Институт ихтисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга йирик тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин;

б) Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича Институт учун кадрларни мақсадли тайёрлаш;

Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда Институт таянч докторантурасига тегишли ихтисосликлар бўйича қабул квоталарини белгилаш чораларини кўрсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институт учун янги ўқув бинолари ва талабалар турар жойини қуриш ҳамда уларни жиҳозлаш, Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш лойиҳалари 2023 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Институтга Наманган шаҳар, «Гулобод» МФЙ, Жанубий айланма йўли кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган Наманган тадбиркорликни ташкил этиш техникумининг бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков белгилансин.

Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 октябрь,  
ПҚ–386-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**371 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Боғдорчилик агентлиги) мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга, шу жумладан 11 ойлик имтиёзли давр билан қўшимча 300 миллиард сўм бюджет ссудасини йиллик 10 фоиз ставкада ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлигига қайтарилган маблағлар ҳисобидан йил давомида Боғдорчилик агентлигининг буюртманомалари асосида қўшимча бюджет ссудаси ажратиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Бунда, ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси мазкур қарор доирасида 300 миллиард сўмдан ошиб кетмаслиги кераклиги белгилаб қўйилсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар Боғдорчилик агентлиги томонидан тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, Боғдорчилик агентлигининг лойиҳа офислари раҳбарларининг ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг тавсиясига кўра:

қишлоқ хўжалиги корхоналарига — мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги экинлари) етиштиришга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш учун;

маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга — етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдириш учун ажратилади.

Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар 150 миллион сўмгача гаровсиз берилади;

кредитлар бўйича фоиз тўловлари йиллик 14 фоиз (шундан 3 фоизи банк маржаси) миқдорида белгиланиб, кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача ажратилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 октябрда эълон қилинган.



ажратиладиган кредит маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан нақд пулда тақдим этилади;

ажратиладиган кредитлар бўйича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

3. Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун Боғдорчилик агентлигига зарур бўлган маблағларнинг олти ой олдин ажратиб борилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) кредит маблағларининг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилиниб, кредитларни сўндиришга йўналтирилиши мумкин;

б) қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Молия вазирлиги 2023 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш мақсадлари учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Боғдорчилик агентлиги директори Х. Каримов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А. Ҳайтов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва 2023 йилда бериладиган 95 169 гектар экин майдонларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан импортни қисқартиришга шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин;

2022-2023 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар камида 300 минг гектарга етказилишини таъминласин. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун мўлжалланган ерларга экинларни жойлаштириш Боғдорчилик агентлиги томонидан белгилаб берилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Ҳайтов) ҳамда Боғдорчилик агентлиги (Х. Каримов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда:

ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини, ўғит ва ўсимликлар ҳимояси воситаларини жойларга етказиб, дала ярмаркаларини ўтказиш ҳамда экинларни ер майдонларида «бир контур — бир маҳсулот» тамойили асосида жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кафолатли харид қилиш бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа маркази мева-сабзавотчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқ ва натижалар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминласин:

медиа маҳсулотлар (ролик, кўрсатув, репортаж, интервью ва турли слайдлар) орқали мева-сабзавотчилик соҳасида фермер, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари ҳамда аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш;

аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликка қизиқтириш, ердан ва ресурслардан унумли фойдаланиш орқали ўз даромадини оширишга ўргатувчи телекўрсатувлар ташкил қилиш;

аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган янгиликлар, ижобий тажрибалар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлаётган талаблар ва ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида жаҳондаги илғор тажрибаларни республика ҳудудида оммалаштириш.

8. Бош Вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узум етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 2 йил муддатга, шу жумладан 12 ойлик имтиёзли давр билан 10 миллион АҚШ доллари миқдорида йиллик 2 фоиз ставкада маблағ ажратсин.

Бунда, узум етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига маблағ ажратиш шартлари Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А. Ҳайтов) билан биргаликда ҳар бир ҳудудда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тақдимотлар ва семинарлар ўтказсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан

келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, Боғдорчилик агентлиги директори Х.М. Каримов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М. Убайдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 6 октябрь,  
ПҚ–387-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2022 йил 6 октябрдаги  
ПҚ–387-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–52-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбошисидаги «1,7 трлн сўм» сўзлари «1,4 трлн сўм» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–225-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси «қарздорликнинг жами суммаси» сўзларидан кейин «мазкур қарор доирасида» сўзлари билан тўлдирилсин.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **372** Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 11 майдаги ПҚ–241-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 11 майдаги ПҚ–241-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошисига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидаги асосий йўналишларни назарда тутувчи Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш борасида амалга ошириладиган ишларни мазмунан янги босқичга кўтариш;

мактаб ўқувчиларининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, халқимизнинг маънавий қудрати ва миллий қадриятларини асраб-авайлаш, уларга нисбатан фахр туйғусини ривожлантириш;

ўсиб келаётган ёш авлод онгида маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, ҳарбий ватанпарварлик ҳамда буюк аждодлар жасоратини тарғиб этиш, ўрганиш, уларнинг шарафли фаолиятини доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айлантириш;

узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш, Ватан тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган замонамиз қаҳрамонла-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 октябрда эълон қилинган.

рининг ҳаёти ва фаолиятини ибрат тимсоли сифатида ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

ўқувчиларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш жараёнида мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

3. Мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш, ўқувчиларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, буюк аждодлар жасорати ҳамда ҳарбий ватанпарварлик, мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўналишларида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш юзасидан «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда Концепция ва «Йўл харитаси»да белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин;

2022 йил 10 октябрга қадар Концепция ва «Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан умумий ўрта таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари учун ўқув-семинарлар ташкил этсин;

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2022 йил 20 декабрга қадар халқ таълими бошқарув органларининг маънавий-маърифий соҳага масъул бўлган ходимлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига қўйилган малака талабларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва мазкур лавозимни малакали кадрлар билан таъминлаш чорасини кўрсин;

Концепция ва «Йўл харитаси»ни бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминласин.

5. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчилар учун тасдиқланган шакллардаги ягона мактаб формасини тўлиқ жорий этиш талаби бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Б.О. Саидов зиммасига ҳамда Вазирлар

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 октябрь,  
558-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 3 октябрдаги 558-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий  
ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Таълим тизимини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқарашини юксалтириш, ватанпарварлик, садоқат туйғуси билан яшайдиган авлодни тарбиялаш жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган ҳозирги тарихий жараёнда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосий шартлардан биридир.

2. Ҳозирги пайтда халқ таълими тизимида «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади» деган эзгу ғоя асосида таълим-тарбияга замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчиларнинг билими ва иқтидори, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ўқувчилар тарбияси ва онгига салбий таъсир кўрсатадиган бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик ва бошқа таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Бунинг оқибатида соҳадаги ишларни замонавий ва таъсирчан ёндашувлар, самарали усуллар асосида янада такомиллаштириш эҳтиёжи юзага келмоқда.

3. «Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби» ғояси асосида Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) мактаблардаги ижтимоий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишни назарда тутди.

**2-боб. Концепциянинг мақсади ва асосий вазифалари**

4. Концепциянинг мақсади ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш ҳисобланади.

5. Концепцияда белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазибалар амалга оширилади:

мактаблардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашда раҳбар ва педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлиги ва масъулиятини ошириш;

таълим-тарбия жараёнига мустақил билим шакллантириш методикасини жорий қилиш орқали ўқувчиларнинг ўз устида ишлаши ҳамда ташаббускорлигини ошириш;

мустақил билим шакллантириш методикаси орқали ўқувчиларда соғлом кадриятларни шакллантириш;

ўқувчиларда ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда билимига таянган ҳолда холис хулоса қилиш кўникмасини ривожлантириш;

тақдимотлар тайёрлаш кўникмаси орқали ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда турли файри-ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш иммунитетини шакллантириш;

ўқувчи тарбиясида мактаб, оила, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини янада кучайтириш;

оилаларда фарзанд тарбияси ва уларни мустақил ҳаётга тайёрлашга бўлган эътибор ва масъулиятни кучайтириш ҳамда ўқувчиларда намунавий тарбиявий фазилатларни шакллантиришга қаратилган медиа махсулотларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.

### **3-боб. Мактабларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

#### **1-§. Мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш йўналиши**

6. Мактаб жамоаси, ота-оналар ҳамда жамоатчиликнинг ўзаро муносабатларида одоб-ахлоқ ва ички тартиб-қоидаларга риоя қилиниши мактабнинг ижтимоий-маънавий муҳитини белгилаб беради. Бунда:

«Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида ташкил этиладиган ижодий ишлар танлови орқали ўқувчиларда Ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини янада кучайтириш;

«Давлат рамзлари — фахрим, ғурурим» мавзусидаги тадбирлар орқали ўқувчилар онгида Ватанимиз рамзларини улуғлаш ва ардоқлаш туйғусини тарбиялаш;

«Давлат тили — миллат руҳи» ғояси асосида туркум маънавий-маърифий, адабий-бадий тадбирлар ташкил қилиш;

тизимли таҳлиллар асосида «Намунали мактаб директори», «Намунали устоз», «Намунали ўқувчи» ва «Намунали ота-она» моделларини ишлаб чиқиш;

мактабдаги мавжуд ҳолатни ўрганиш ва таҳлил қилиш мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда ижтимоий-маънавий муҳитни баҳолаш орқали мактабларни «қизил», «сарик» ва «яшил» тоифаларга ажратиш;



«қизил» тоифадаги мактабларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида идоралараро ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;

«сарик» тоифадаги мактабларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

«яшил» тоифадаги мактаблар тажрибасини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларнинг янги авлодини яратиш орқали ўқувчиларни маънавий етук ва эркин фикрлайдиган шахс қилиб тарбиялаш;

мактабларда «Вазир соати», «Олим ва ёшлар», «Шифокор ва ёшлар», «Тадбиркор ва ёшлар», «Устоз ва ёшлар», «Хунарманд ва ёшлар», «Ҳоким ва ёшлар», «Прокурор ва ёшлар», «Сенатор ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар», «Ички ишлар органи ходими ва ёшлар», «Ҳарбий ва ёшлар» каби учрашувларни ташкил этиш;

ўқувчилар орасида ўқитувчилик касбига бўлган қизиқишни янада ошириш мақсадида фидойи ўқитувчи-мураббийлар фаолиятига бағишланган янги бадиий асарлар, фильмлар ва бошқа ижод намуналарини яратиш ҳамда оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритиш.

## **2-§. Ўқувчиларда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш йўналиши**

7. Ўқувчилар онгида халқимизнинг маънавий қудрати ва боқий қадриятларига нисбатан фахр туйғусини шакллантиришда, уларнинг мустақил фикр юритиш кўникмасига эга бўлишида китобхонлик маданиятини юксалтириш муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун қуйидаги ишларни амалга ошириш назарда тутилади:

ўқувчиларга китоб мутолааси жараёнида «оддийдан мураккабга» тамоёйили асосида бадиий асарларни танлаш ва синчиклаб ўқиш малакасини ҳосил қилиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг китобхонликка бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқ таълими вазирининг «Китобхон ўқувчи» танловини ташкил этиш;

мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжалланган янги бадиий, илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда уларнинг муаллифларини рағбатлантириш;

«Мактаб кутубхонаси», «Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари» рукнида юз жилдлик китоблар тўпламининг нашрини йўлга қўйиш;

ўқувчилар орасида мутолаа маданиятини ривожлантириш мақсадида «Китобхонлик ҳафталиги»ни ташкил этиб, болалар ва ўсмирлар адабиёти масалаларига бағишланган адабий учрашувлар ва китоб фестивалларини ўтказиш;

ўқувчиларнинг мустақил фикрини оғзаки ва ёзма равишда баён этиш ма-

лакасини ошириш мақсадида улар ўқиган китоблари бўйича «Нотиқ ўқувчи» ҳамда иншолар танловларини ўтказиш;

бошланғич синф ўқувчиларини «Жажжи академик» тўғаракларига жалб этиш ҳамда уларга мутолаа сирлари ва китобхонлик маданияти бўйича тунчалар бериб бориш;

болаларга китоб совға қилишни анъанага айлантириш мақсадида «Фарзандимга китоб совға қиламан» ва «Мактаб кутубхонасига китоб совғаси» ижтимоий акцияларини ўтказиб бориш;

босма ва электрон нашрларда болалар ижоди намуналарини мунтазам равишда эълон қилиб бориш, истеъдодли ижодкор ўқувчиларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

болаларнинг билим доираси ва дунёқарашини кенгайтириш, шунингдек, турли фан соҳалари ва касб-хунарларга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган энциклопедик асарлар, луғат ва альбомлар, бадий асарлар, тўла ва қисқа метражли бадий фильмлар, видеороликлар ва телефильмлар, мультфильмлар яратиш.

### **3-§. Буюк аждодлар жасорати ҳамда ҳарбий ватанпарварлик йўналиши**

8. Ўқувчиларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, ўз Ватани ва халқи тақдири учун масъулият ва жавобгарлик ҳиссини оширишда буюк аждодларимизнинг жасорати ҳамда ҳарбий ватанпарварликни кенг тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Қуйидагилар бу борада устувор жиҳатлар ҳисобланади:

«Афсонага айланган жасорат» ғояси асосида Алпомиш, Широқ, Тўмарис каби миллий қаҳрамонларнинг жасорати акс эттирилган мультимедиа маҳсулотларини тайёрлаш ва мактабларда уларнинг тақдимотларини ўтказиш;

Биринчи Шарқ Уйғониш даври — IX — XII асрларда минтақамизда юз берган «Маърифий Ренессанс» даврида буюк алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирлар, жумладан аниқ фанлар соҳасида Мухаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, фалсафа соҳасида Абу Наср Форобий, Ибн Рушд, Мухаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафий, тиббиёт соҳасида Абу Али ибн Сино, тилшуносликда Маҳмуд Замахшарий, шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, рассомчиликда Камолиддин Беҳзодларнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётларини ўқувчи-ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;

«Ким юртига содиқ бўлса, мендирман ўша!» шиори остида Ватан озодлиги йўлида мардона кураш олиб борган буюк саркарда Жалолоддин Мангубердиннинг мардлиги ва жасорати, шонли ҳаётини тарғиб қилиш орқали ўқувчиларда Ватанга садоқат, шижоат ва қатъият туйғуларини мустаҳкамлаш;

«Соҳибқирон Амир Темур — марказлашган миллий давлатчилик асосчи-

си» ғояси асосида ўқувчилар онгида юрт озодлиги учун кураш, халқпарварлик, адолатпарварлик ва бунёдкорлик туйғуларини тарбиялаш;

миллий мустақиллик ва маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган аждоқлар меросини кенг ўргатишга қаратилган «Жадидчилик сабоқлари» онлайн ресурсларни яратиш ва уларнинг тарғиботини йўлга қўйиш, «Миллат ойдinлари» туркум маънавий-маърифий телекўрсатувларни тайёрлаш;

«Аждоқлар жасорати унутилмайди!» шиори остида ўқувчилар онгида Ватанга садоқат, миллий ғурур, мардлик ва жасорат, бурч ва масъулият туйғуларини мустаҳкамлаш;

мактаб ўқувчиларининг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, санъат ва меъморчилик тарихи ва миллий қадриятларимиз ҳақидаги билимларини янада ошириш мақсадида тарихий обида, музей ва театрларда сайёр машғулотлар уюштириш;

«Ҳарбий қисмда бир кун» ва «Ватанга қасам» туркум тадбирлар орқали ўқувчилар онгида миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаш;

«Мен юрт посбони бўламан», «Алпомиш издошлари», «Тўмарис қизлари», «Мендирман Жалолиддин!» каби мавзуларда танлов, мусобақа ва учрашувлар ўтказиш, «Бўлғуси аскарга совға» рукнида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги китоблар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тарғиботи ва намоёишини ташкил этиш.

#### **4-§. Замонамиз қаҳрамонлари — ёшларга ибрат тимсоли йўналиши**

9. Замонамиз қаҳрамонларининг эришган ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларга нисбатан эҳтиром туйғусини шакллантириш ўқувчиларда чин инсоний фазилатларни камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

«Замонамиз қаҳрамонлари» рукнида туркум рисолалар, анимацион, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, роликлар яратиш ва таълим-тарбия жараёнига жорий этиш;

мактаб кутубхоналарини Ўзбекистон Қаҳрамонлари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндаларининг ибратли фаолияти ёритилган адабиётлар билан бойитиб бориш;

«Муваффақиятга эришиш сирлари» лойиҳаси доирасида ўз соҳасида юқори натижаларга эришган юртдошларимиз билан доимий мулоқотлар ташкил этиш;

илмий ва ижодий мактаб яратган атоқли олим ва ижодкорларнинг уй-музейлари ҳамда ишхоналарида саёҳат-дарслар ўтказиш;

«Беруний издошлари», «Улуғбек авлодлари», «Навоий ворислари», «Зулфияхоним қизлари» каби мавзуларда ўтказиладиган ижодий танловлар самардорлигини ошириш;

«Янги Ўзбекистоннинг маънавият масканлари» рукни остида туркум тад-

бирлар ва саёҳатлар уюштириш, ўқувчилар ўртасида ижодий ишлар ва мультимедиа ишланмалари танловларини ташкил этиш.

### **5-§. Мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўналиши**

10. Мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборини оширишга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мактаблардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун қуйидагилар амалга оширилади:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари томонидан ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан ташкил қилинадиган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриш;

«Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларни бепул мактаб формаси ва дарсликлар билан таъминлаш;

муаммоли оилалардаги муҳитни соғломлаштириш ҳамда нотинч оилалар фарзандларини психологик қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан чораларини қўллаш бўйича махсус тренинглар ташкил этиш;

ўқувчиларни маҳаллаларда ташкил этиладиган халқ сайиллари, умумхалқ байрамлари, ўйинлар ва спорт мусобақаларига кенг жалб қилиш орқали уларни миллий қадрият ва анъаналарга хурмат руҳида тарбиялаш;

фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти мавзусидаги афоризмларни «Кун ҳикмати» рукнида мобил алоқа операторлари орқали етказишни тизимли йўлга қўйиш;

ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш мақсадида «Энг намунали ота-она» танловини ўтказиш;

ўқувчиларнинг ёш психологиясига боғлиқ феъл-атвори ҳамда рухий оламидаги салбий ўзгаришларни оила ва мактаб жамоаси билан ҳамкорликда бартараф этиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

мактабларда олиб бориладиган тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда ота-она, маҳалла, мактаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигини тубдан яхшилаш.

«Уч авлод учрашуви» лойиҳасида мактаб ва маҳаллаларда турли авлод вакиллари ва ўқувчилар иштирокида мулоқотлар ташкил этиш;

«Маънавий баркамол авлод — барқарор жамият бунёдкори» тамойили асосида ўқувчиларда турли ғоявий хавф-хатарлардан ҳимояланиш имунитетини шакллантириш;

республикамиздаги миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида ўқувчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларга хурматнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.

#### **4-боб. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишнинг усул ва шакллари**

11. Мактабларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш усуллари — ўқувчиларда ҳаётий зарур кўникмалар, маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирадиган воситалар мажмуидир.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда қуйидаги методик усуллардан фойдаланилади:

мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган методика орқали «Тенгдош — тенгдош билан» тамойили асосида ўқувчиларнинг тарбиявий фазилатларини шакллантириш;

нутқ маданияти, китобхонлик ҳамда изланиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида долзарб мавзулар доирасида тақдимотлар ўтказиш;

фикрлаш ҳамда дунёқарашини кенгайтириш мақсадида интеллектуал ўйин ва танловлар ўтказиш;

ўқитувчи ва ўқувчилар яратган медиа маҳсулотлари орқали уларни салбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва улардан маънавий иммунитетни шакллантириш;

оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида тарбиявий фазилатларни шакллантиришга қаратилган видеоролик, бадиий фильм ҳамда ширларни тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш;

таълим муассасаларида спортни қадрият сифатида ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ватанпарварлик туйғусини янада такомиллаштириш учун география, биология, ИТ, тарбия фанлари доирасида видеороликлар ва бошқа медиа-маҳсулотлар тайёрлаш, тақдимотларини ташкил қилиш ва баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, уларни ижтимоий тармоқлар орқали кенг намойиш қилиш.

Маънавий-маърифий ишлар давра суҳбатлари, ижодий учрашув ва кечалар, кўрик-танловлар, тақдимотлар, интеллектуал ўйинлар, виртуал клублар ва бошқа шаклларда ташкил этилади.

Мазкур усуллар маънавий-маърифий ишларнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Пировард натижада бу мактабда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

#### **5-боб. Эришиладиган натижалар**

12. Мазкур Концепция «Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби» ғояси асосида мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш борасида амалга ошириладиган ишларни мазмунан янги босқичга кўтаришда муҳим роль ўйнайди.

Жумладан:

ўқувчилар қалбида халқимизга хос бўлган юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мувофиқлаштирилади;

мактабларда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш ва уларни бугунги кун талаблари билан уйғунлаштириш орқали ўқувчилар онгида маънавий иммунитет мустаҳкамланади;

жаҳон халқлари тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг илмий ва маданий мероси, уларнинг ибратли ҳаёт йўли таълим-тарбия жараёнларига кенг сингдирилади;

мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга, юксак натижаларга эришган, Ватанимиз тараққиётига беқиёс ҳисса қўшиб келаётган замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш орқали ўқувчилар онгида замонавий идеаллар шакллантирилади;

дарслик ва методик адабиётларни янгилаш, педагогларни касбий фаолияти ва тарбиявий ишлардаги юқори натижаларига кўра рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилади;

ота-оналарнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш орқали уларнинг фарзанд таълим-тарбиясига масъулияти оширилади;

таълим-тарбия жараёнида мактаб директори, педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги механизми жорий этилиши натижасида мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 3 октябрдаги 558-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 15 августдаги 666-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилансинки, ўқувчиларнинг давлат умумий ўрта таълим муассасасига 1-иловага мувофиқ тасдиқланган шакллардаги ягона мактаб формаси босқичма-босқич жорий этилади»;

б) 7-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 2-илованинг 6-банди учинчи хатбошидаги «5 — 15 см» сўзлари «камида 5 — 15 см» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 9 мартдаги 132-сон қарорида:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим вазирлигининг «Bolalar bog'chasi» ахборот тизими-

даги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ҳамда улардан ташқари ташкил этилган тайёрлов гуруҳларида бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтган болалар ҳақидаги маълумотлар Халқ таълими вазирлигининг Ягона электрон тизимига автоматик тарзда юборилади (киритилади)»;

б) 5-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «3-иловага мувофиқ» сўзлари «3-иловага мувофиқ тасдиқлансин» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 9 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 19 майдаги 271-сон қарорида:

а) 1-банднинг «б»-кичик бандидан «, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб эса мажбурий» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илова 801-бандининг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **373 Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шакли- ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан соҳада самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида талабанинг турар жойидан қатъи назар, унга таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият тақдим этиш;

масофавий таълим шакли жорий этиш мумкин бўлмаган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгилаш;

масофавий таълим бўйича қабул параметрларини давлат олий таълим муассасаларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора), молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида тегишли олий таълим муассасасининг Кузатув кенгаши, нодавлат олий таълим ташкилотларида нодавлат олий таълим ташкилоти муассиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқлаш ҳамда таълим жараёнини тўлов-контракт асосида амалга ошириш;

масофавий таълимни махсус платформа ёрдамида ёки мавжуд платформалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

масофавий таълимда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:50 нисбатда белгилаш;

масофавий таълим бўйича ўқув жараёнини давлат таълим стандарти, касбий стандартлар ва малака талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ҳамда ўқув дастурлари асосида амалга ошириш;

масофавий таълимга талабаларни қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, масофавий таълим сифати мониторингини ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) масофавий таълим шакли асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги Ф–60-сон фармойишига 1в-иловада кўрсатил-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 октябрда эълон қилинган.

ган давлат олий таълим муассасаларига, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб қолган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларига рухсат берилади, фаолияти мазкур қарор қабул қилингунга қадар қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилган олий таълим ташкилотлари бундан мустасно;

б) масофавий таълим шакли бўйича кадрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида тегишли бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги мавжуд бўлган олий таълим ташкилотларида йўлга қўйилади, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишлари бундан мустасно;

в) масофавий таълим шакли асосида кадрлар тайёрлашда бир бакалаврият таълим йўналишига қабул параметрлари 300 нафар талабадан, бир магистратура мутахассислигига 30 нафар талабадан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бунда:

мазкур талаб ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларига нисбатан татбиқ этилмайди;

талабалар сонини аниқлашда хорижий давлат фуқароси бўлган талабалар ҳисобга олинмайди;

г) масофавий таълим шакли жорий этилган давлат олий таълим муассасаларига Масофавий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш ҳуқуқи берилади.

Бунда:

Марказнинг штат бирлиги молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида Кузатув кенгашлари томонидан, бошқа олий таълим муассасаларида бўйсинуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади;

Марказ олий таълим муассасаларининг юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва улар фаолиятини молиялаштириш олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Масофавий таълим шаклини жорий этган олий таълим ташкилотлари, зарур ҳолларда, талабаларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида улар истиқомат қилувчи ҳудудларда фаолият юритувчи олий таълим ташкилотлари, ахборот-ресурс марказлари, ўқув марказлари билан ўзаро келишган ҳолда уларнинг ахборот-коммуникация инфратузилмасидан талабалар фойдаланиши учун шароит яратиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда масофавий таълим шакли жорий этилган олий таълим муассасаларини таълим жараёнини ташкил этиш имкониятини берадиган юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан белгиланган тартибда таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 3 октябрь,  
559-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 3 октябрдаги 559-сон қарорига  
ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни  
ташқил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом масофавий таълим шакли орқали олий таълим ташкилотларида бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрларни тайёрлаш фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**автопрокторинг** — имтиҳон жараёнида талабанинг шахсини автоматик равишда аутентификациялаш, унинг хатти-ҳаракатлари ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хонадаги товушларни таҳлил қилиш, видеодаги бузилишларни тузатиш ва ҳисоботлар тайёрлашга йўналтирилган дастурий тизим;

**асинхрон режим** — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида бир хил бўлмаган вақтлардаги ўзаро алоқа режими;

**масофавий таълим** — талаба ва таълим берувчининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишига, интерактив аудио ва видео-конференциялар орқали маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишига, электрон почта орқали тўғри ва тесқари алоқа ўрнатишига, жумладан хабарларни юбориши ва қабул қилишига мўлжалланган, билим ва кўникмаларни, ўқув дастурларини масофадан туриб ўзлаштиришга йўналтирилган таълим шакли;

**масофавий таълимни бошқариш тизими** — таълим жараёнини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш ва баҳолашда қўлланиладиган дастурий махсулот (электрон таълим платформаси);

**масофавий таълим жараёнининг иштирокчилари** — таълим ташкилотининг масофавий таълим шаклига қабул қилинган талабалар, профес-

сор-ўқитувчилар ҳамда масофавий таълимнинг ташкилий-техник ва методик таъминотини амалга оширишга масъул шахслар;

**масофавий таълим технологияси** — талабаларга ўқув материалларининг асосий ҳажмини етказишни, талаба ва профессор-ўқитувчининг ўзаро интерфаол ҳаракатини таъминлаб берувчи, ўқув материални ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаши учун талабага имконият тақдим этувчи ахборот-коммуникация ва ўқитиш технологиялари;

**синхрон режим** — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида реал вақтдаги ўзаро алоқа режими;

**ўқув контент** — ўқув жараёнида талабаларнинг фойдаланиши учун мўлжалланган, масофавий таълимни бошқариш ахборот тизимига жойлаштирилган ўқув методик материаллар (ўқув режалари, ўқув дастурлари, маъруза матнлари, видеодарслар, тақдимотлар, топшириқлар, имтиҳон материаллари, ўқув адабиётлари).

3. Кундузги шаклда таълим жараёни олиб бориладиган бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги мавжуд бўлган олий таълим ташкилотларига тегишли йўналишлар бўйича масофавий шаклда таълим фаолиятини олиб боришга йўл қўйилади, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишлари бундан мустасно.

4. Таълим ташкилотлари таълим беришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзининг масофавий таълим платформасини жорий этиши ёки мавжуд платформалардан фойдаланиши мумкин.

## **2-боб. Масофавий таълимнинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари**

5. Масофавий таълимнинг мақсади ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида талабанинг турар жойидан қатъи назар, унга таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият тақдим этиш, талабаларнинг қизиқишлари, иқтидори ва эҳтиёжларига мувофиқ касбий салоҳиятини ривожлантиришдан иборат.

6. Масофавий таълим қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади: иштирокчиларнинг интерфаоллиги; талабаларнинг идентификация қилиниши; янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги; таълим беришнинг очиқлиги ва мослашувчанлиги.

7. Қўйидагилар масофавий таълимни ташкил этишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

талабаларнинг масофадан туриб таълим олиш ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириш;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг умумий, гуруҳ ва индивидуал шакллари уйғунлиги;

кадрларнинг касбий даражасини ошириш ва уларнинг мустақил билим олишига қўмаклашиш;

талабаларга мамлакатнинг ҳар қайси ҳудудида ва унинг ташқарисида таълим олишнинг тенг имкониятларини тақдим этиш;

таълим хизматлари экспортини кенгайтириш орқали таълим тизимининг жозибadorлигини ошириш.

### **3-боб. Масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар**

8. Масофавий таълимни ташкил этиш учун таълим ташкилотида қўйидагилар бўлиши талаб этилади:

масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот «Learning Management System» (кейинги ўринларда — LMS) платформаси;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот-коммуникация инфратузилмаси;

ўқув йили учун мўлжалланган ўқув контенти;

ўқув режа ва дастурлардаги барча фанлардан масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган, ўқув контентини қамраб оладиган электрон ўқув-методик мажмуалар, шунингдек, илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида бино ёки аудиториялар;

масофавий таълимнинг техник ва дастурий компонентлари ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган тегишли маълумот ва малакага эга муҳандис-техник ходимлар;

юкламаси режадаги талабалар сонига мўлжалланган, таълим ташкилотига мулкӣ ёки камида 5 йил муддатга тузилган ижара шартномаси асосида тегишли бўлган, мамлакат ҳудудида жойлашган сервер қурилмаси;

таълим ташкилоти тўғрисидаги барча ахборот, жумладан, ташкилот низоми ёки устави, ўқув режа ва дастурлар, педагог кадрлар ҳақида маълумот, академик календарь жойлаштирилган расмий веб-саҳифа.

9. Ўқув-методик ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O‘zDSt 36.2030 — «Электрон таълим» миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар»га мувофиқ бўлиши лозим.

### **4-боб. Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар**

10. Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси SCORM стандартларига мос ҳамда унда автопрокторинг тизими мавжуд бўлиши лозим.

11. Масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси қўйидаги компонентлардан ташкил топади:

ахборот-ресурслари компоненти — ўқув адабиётлари, дарсликлар, монографиялар, илмий мақолалар ҳамда тадқиқот натижалари акс этган илмий асарлардан фойдаланишни таъминлайди;

бошқариш компоненти — тизимнинг хизмат маълумотномаси ва фойдаланувчилар реестрини юритиш, фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда фойдаланувчиларнинг тизимга киришда шахсий параметрларини белгилаш ҳамда фойдаланувчилар ҳаракатларини қайд этиб бориш, аутентификация (шахсни аниқлаш) ва фойдаланувчиларни бошқаришни таъминлайди;

даволат ва ўзлаштиришни ҳисобга олиш компоненти — ресурслардан фойдаланишни ҳисобга олишга ҳамда ушбу ресурсларни ўзлаштиришга имкон беради, талабаларнинг индивидуал ўқув режаларини шакллантиради ва ўзлаштириш натижаларини таҳлил қилади;

коммуникация компоненти — фойдаланувчиларга ўзаро интерфаол ахборот алмашиш (форум, чат, хабар, электрон почта, видеоконференция ташкил этиш), хабарлар олиш ҳамда тизим, курслар ва педагог кадрлар бўйича тескари алоқа орқали маълумотлар алмашиш имкониятини яратади;

контингентни ҳисобга олиш компоненти — контингентнинг ягона реестрини юритишга имкон бериб, талабалар ва педагог кадрларга оид маълумотларни киритиш ва сақлаш, шунингдек уларнинг шахсий кабинетларига кириш ва қидиришни таъминлайди;

курсларни бошқариш компоненти — ўқув контентларини бошқариш, таҳрирлаш, синхрон ва асинхрон режимда ўтказилган машғулотларнинг видеодарсларини юклаш (импорт/экспорт), тест синовларини ташкил этиш, ташқи таълим ресурсларига гиперҳаволаларни киритиш, топшириқ ва вазифаларни қўйиш имкониятларига эга бўлади;

ўқитишни бошқариш компоненти — талабаларни курсдан курсга ўтказиш, уларга кредитлар бериш ва қайтадан ўқитиш жараёнини назорат қилади, ташкилий-методик воситаларни (машғулотлар жадвали, консультациялар, конференциялар, вазифани топшириш муддати, вебинар, имтиҳонлар ва бошқалар) бошқаради, талабаларнинг ўзлаштиришига доир маълумотларни автоматлаштирилган ҳолда шакллантиради, ўрганиладиган фанлар рўйхатини шакллантиради ва янгилаб боради;

статистика компоненти — талабалар контингенти, ўзлаштириш кўрсаткичлари ва курсларнинг ўқув контенти билан тўлдирилганлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат ахборот олиш имкониятини беради, таълим жараёнига оид ҳисоботларни шакллантиради, талабаларнинг ҳаракати (ўқишга қабул қилиш, кўчириш, четлаштириш, қайта тиклаш) ҳақидаги маълумотларни юритади, ўқишни битирган, ўқишини кўчирган ёки четлаштирилганлар ҳақидаги маълумотларни архивлаштиради;

талабалар билимини назорат қилиш компоненти — ўқув контенти мазмунига мос ва тестология талабалари асосида шакллантирилган назорат материаллари базаси ва тест тизимини, имтиҳон жараёнини ташкил этиш учун автопрокторинг тизимини ўзида жамлайди.

### **5-боб. Масофавий таълимга талабаларни қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил қилиш**

12. Масофавий шаклда ўқитиш учун талабаларни таълим ташкилотига қабул қилиш, уларнинг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан чет-

лаштириш бошқа таълим шакллари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Масофавий таълим шакли тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

14. Масофавий таълим шакли жорий этиш мумкин бўлмаган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда ҳар йили 1 апрелга қадар эълон қилинади.

15. Масофавий таълим бўйича қабул параметрлари ва тўлов-контракт қиймати:

давлат олий таълим муассасаларида (молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари бундан мустасно) — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора) томонидан;

молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида — тегишли олий таълим муассасасининг Кузатув кенгаши томонидан;

нодавлат олий таълим ташкилотларида — нодавлат олий таълим ташкилоти муассиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

16. Ўқув жараёни масофавий шаклда ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари нодавлат таълим ташкилотларига белгиланган тартибда бериладиган лицензияда қайд этилади.

17. Масофавий таълим бўйича ўқиш давомийлиги тегишли бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича кундузги таълим шакли учун белгиланган ўқиш давомийлиги муддатидан кам бўлиши мумкин эмас.

18. Таълим контенти талабанинг таҳсил олаётган таълим тилига ҳамда бакалаврият таълим йўналиши ва (ёки) магистратура мутахассислигига мос бўлиши шарт.

19. Масофавий таълим бўйича ўқув жараёни:

давлат намунасидаги диплом берадиган олий таълим ташкилотларида — давлат таълим стандарти ва малака талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув режа ва ўқув дастурлар асосида;

давлат намунасидаги диплом бермайдиган олий таълим ташкилотларида — касбий стандартлар ва малака талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

20. Масофавий таълим шакли асосида кадрлар тайёрлашда бир бакалаврият таълим йўналишига қабул параметрлари 300 нафар талабадан, бир магистратура мутахассислигига 30 нафар талабадан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бунда:

мазкур талаб ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларига нисбатан татбиқ этилмайди;

талабалар сонини аниқлашда хорижий давлат фуқароси бўлган талабалар ҳисобга олинмайди.



21. Масофавий таълим шаклида ўқишга қабул қилинган талаба қўйидаги ҳолларда олий таълим ташкилотига шахсан ташриф буюриши шарт:

ўқув жараёни бошланишидан аввал — масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформасида рўйхатдан ўтиш учун;

ҳар семестр якунида — якуний назорат топшириш ўтиш учун.

Шунингдек, якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий ва магистрлик иши ҳимояси бевосита олий таълим ташкилотида анъанавий тарзда амалга оширилади, уларни синхрон ёки асинхрон режимда қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур бандда назарда тутилган талаблар хорижий давлат фуқароси бўлган талабага нисбатан татбиқ этилмайди.

22. Иш фаолиятини масофавий таълим билан қўшиб олиб бораётган талабаларга семестр охирида якуний баҳолашдан ўтиш, битирувчиларга эса якуний давлат аттестациясини топшириш, битирув малакавий ва магистрлик ишини ҳимоя қилиш учун камида 15 календарь кун муддатга иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилади.

23. Масофавий таълим шаклида ўқийдиган талабаларга амалиётлар ўқув режада белгиланган муддатларда меҳнат фаолиятини олиб бораётган талабанинг иш жойида, талабанинг иш жойи бакалаврият таълим йўналишига (магистратура мутахассислигига) мос бўлмаган ёхуд иш билан таъминланмаган ҳолда таълим ташкилоти билан келишувга эришган ташкилотларда амалга оширилади.

24. Ўқув жараёнида барча дарс машғулотлари, амалиётлар ва мустақил ишлар ҳамда улар бўйича талабаларни баҳолаш масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформасида назарда тутилиши лозим.

Дарс машғулотлари, талабаларнинг билимини баҳолаш ва ўқув жараёнини назорат қилиш масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси орқали амалга оширилади.

25. Масофавий таълим бўйича ўқув жараёнини амалга ошириш учун масофадан туриб дарс машғулотлари олиб борадиган хорижий педагог кадрлар жалб этилиши мумкин.

26. Масофавий таълимда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари 1:50 нисбатда белгиланади.

27. Масофавий таълим беришга мўлжалланган ўқув режа ва дастурларда кўрсатилган фанлар ва амалиётларни тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган битирувчиларга тегишли академик даража ва белгиланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат берилади.

### **6-боб. Масофавий таълим сифати мониторинги**

28. Таълим ташкилотларидаги масофавий таълим бўйича ўқув жараёни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мониторинг қилиб борилади.

29. Ўқув жараёнини мониторинг қилишни масофадан туриб амалга ошириш мақсадида олий таълим ташкилотининг масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот — LMS платформаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимига ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар ва бошқа ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилиниши мажбурий ҳисобланади.

30. Ўқув жараёнининг мониторинги дарс машғулотлари ва назорат тадбирларини кузатиш ва таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, фокус-гурuhlар ташкил этиш, интервью олиш, натижаларни баҳолаш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

31. Мониторинг натижаларига кўра аниқланган камчиликлар олий таълим ташкилотлари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг тақдимномаси асосида бартараф этилиши мажбурий ҳисобланади.

### **7-боб. Яқуний қоидалар**

32. Олий таълим ташкилотида масофавий таълим бўйича ўқув-методик жараёнларнинг ташкил этилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**374** Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ–220-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ–220-сон Фармонига мувофиқ қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

жисмоний шахсларга Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шамол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини (кейинги ўринларида — қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари) 3 йил мобайнида фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилиши;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид қилиш харажатларининг бир қисми Жамғарма ҳисобидан компенсация қилиниши;

жисмоний шахслар томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари тўғридан-тўғри маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, маҳаллий чакана савдо объектларидан, шу жумладан электрон тижорат воситалари орқали сотиб олинганда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши ёки якуний чакана нархдан компенсация миқдори чегириб ташланиши;

2022 йил якунига қадар қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун Жамғармага унинг асосланган талабномаларига мувофиқ Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 октябрда эълон қилинган.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жисмоний шахслар томонидан республикада ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан 3 йил мобайнида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган жисмоний шахсларга харид қилиш харажатларининг бир қисмини Жамғарма ҳисобидан компенсация қилиш тартиби;

жисмоний шахсларга қуёш ёки шамол электр станциясини ўрнатганлик учун, агар уларнинг қуввати 0,5 кВтдан 1 кВтгача бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баробари миқдорида, 1 кВтдан 1,5 кВтгача бўлса — БҲМнинг 10 баробари, 1,5 кВтдан 2 кВтгача бўлса — БҲМнинг 15 баробари, 2 кВт ва ундан юқори бўлса — БҲМнинг 20 баробари миқдорида компенсация тўланиши;

янги ерлар ўзлаштирилганда ва тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг электр энергияси истеъмоли 5 кВт ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминланганда БҲМнинг 50 баробари миқдорида компенсация берилиши;

сув иситиш ҳажми 100 литр ва 200 литр бўлган қуёш сув иситиш қурилмалари учун тегишлича БҲМнинг 5 ва 7 баробари миқдорида компенсация берилиши.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қурилмаларни сотишда товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида аҳоли томонидан танлашда ва уни эркин сотиб олишда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғарманинг ягона электрон платформаси (кейинги ўринларда — Платформа) ёрдамида амалга оширилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи маҳаллий корхоналарнинг ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлари Платформага эркин жойлаштирилади. Бунда, Платформага киритиладиган корхоналар рўйхати «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки унинг қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш учун жисмоний шахслар томонидан тақдим этиладиган аризалар барча босқичларда Платформа орқали онлайн тарзда кўриб чиқилади;

«Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» МЧЖ, «UZINFOCOM» давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ, Ягона интерактив давлат хизматлари порта-

ли ва Давлат хизматлари маркази томонидан Платформада ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи маҳаллий корхоналарга хизматлар тўлов ундирмасдан кўрсатилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки унинг қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича хужжатлар Платформа орқали электрон кўринишда шакллантирилади;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналардан харид қилиш ва етказиб беришда электрон ҳисоб-фактуралар Платформа орқали расмийлаштирилади.

Платформага хизмат кўрсатиш, унинг фаолиятини такомиллаштириб бориш ва доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш харажатлари компенсация қилишни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан Жамғармага қоплаб берилади.

4. Энергетика вазирлиги ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида Жамғарма томонидан молиялаштирилган лойиҳалар ҳамда уларни амалга ошириш ҳисобига эришилган самарадорлик тўғрисида ҳар чорак якунида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

5. Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

мазкур қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали жорий этилишини таъминласин;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш имкониятини жорий этсин.

6. Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика ва кимё соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари — энергетика вазири Ж.Т. Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 октябрь,  
568-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 октябрдаги 568-сон қарорига  
ИЛОВА

**Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан  
ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбалари  
қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини  
компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб  
олиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини (кейинги ўринларда — қурилма) ягона электрон платформа орқали эҳтиёжлари учун ўз маблағи ёки тижорат банклари кредитлари ҳисобидан сотиб олиш ва ўрнатиш учун харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиш ёки фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан харид қилинган қурилмалар харажатларини Республика бюджетидан ажратилган маблағлари ҳисобидан Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан қоплаш, шунингдек, фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан харид қилинган қурилмалар учун қоплаб берилган маблағларни Жамғармага қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қайта тикланувчи энергия манбалари** — атроф муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси;

**қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек, ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

**Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ягона электрон платформа** — қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ягона электрон платформа (кейинги ўринларда — Платформа);

**ариза берувчи** — қурилмани Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўрнатиш учун ариза тақдим этган жисмоний шахс;

**кафил** — ариза берувчи томонидан фойсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан харид қилинганда, ёзма шаклда тузиладиган кафиллик шартномаси асосида ариза берувчининг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариши учун кафиллик берган шахс ишлаб чиқарувчи олдида ариза берувчи билан баравар ҳажмда солидар тартибда жавобгар шахс;

**биргаликда тўловчи** — томонлар ўртасида тузиладиган шартнома асо-

сида ва томон сифатида иштирок этадиган ҳамда ариза берувчининг фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан харид қилинадиган қурилма тўловларини тўлашда етмаган қисми бўйича ишлаб чиқарувчи олдидаги мажбуриятлари бўйича жавобгар шахс;

**мижозни идентификациялаш** — ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари томонидан ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафил маълумотларини текшириш мақсадида улар тақдим этган хужжатлар, очиқ манбалар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган қўшимча тасдиқланган маълумотлар асосида аниқлаш;

**скоринг тизими** — «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси ҳамда бошқа ташқи тизимларга интеграция қилинган ҳолда автоматик маълумот алмашиш орқали ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафилнинг даромадлари, кредит юкмаси, кредит тарихи ва бошқа шу каби омилларга тааллуқли маълумотларни онлайн олиш имконини берувчи тизим;

**компенсация** — қурилмани сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини ишлаб чиқарувчига Республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Жамғарма орқали тўлаб бериш;

**фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** — қурилма қийматини 36 ойгача муддат давомида фоизсиз тенг миқдорда тўлаш шarti билан тўловларни амалга ошириш;

**QR-кодли чек** — сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги фискал белгили чек;

**қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар** — Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган (мувофиқлик сертификатига эга бўлган) юридик шахс;

**савдо агенти** — ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини чакана йўл билан ёки кичик партияларда сотиш, ўрнатиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти;

**қурилмани етказиб берувчи** — маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, ариза берувчи томонидан танланган қурилмаларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш ва ўрнатиш фаолияти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентлари;

**маркетплейс тизими** — Платформада қурилмаларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда ариза берувчи томонидан қурилмалар етказиб берувчиларини мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони;

**ноҳалол таъминотчилар реестри** — ушбу Низомнинг 6-бобида белгиланган талаблар асосида Платформанинг маркетплейс тизимидан четлатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати.

3. Платформа фаолияти давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимларининг марказий маълумотлар базалари ва идентификациялаш тизими билан интеграциялашуви асосида ташкил этилади.

Шунингдек, шахсий маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган



ахборот тизимларини интеграция қилиш ишлаб чиқарувчиларнинг ахборот тизимлари билан тузилган шартномалари асосида амалга оширилади.

4. Ариза берувчи, ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали, давлат хизматлари марказлари ва Платформа фойдаланувчилари ҳисобланади.

5. Ариза берувчи унинг номида бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уй-жойлари ёки бошқа бино-иншоотлари учун қурилмаларни ўрнатиш бўйича мурожаат этиши мумкин.

6. Ариза берувчи уй-жой, бино-иншоот ёки ер участкасига қурилмаларни ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб ўрнатиши мумкин. Бунда ўрнатилган қурилмалар харажатларининг бир қисми бўйича компенсациялар ишлаб чиқарувчиларга ушбу Низомнинг 14-бандида белгиланган шартлар асосида Жамғарма томонидан қопланади.

7. Ариза берувчи томонидан қурилма харажатлари учун тўловлар компенсация қилинадиган қисми чегириб ташланган ҳолда амалга оширилади. Қурилмалар харажатларининг компенсация қилинадиган қисми Жамғарма томонидан ишлаб чиқарувчиларга тўлаб берилади.

8. Ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари Платформага Жамғарма томонидан киритилиши учун улар мазкур Низомга 1-иловага\* мувофиқ «Ўз-элтехсаноат» уюшмаси томонидан рейтинг баллари асосида баҳоланади ва ишлаб чиқарувчилар рўйхати тузилади.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тақдим этган рўйхатга киритилган ҳамда ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган мувофиқлик мезонларига тўғри келган ишлаб чиқарувчилар билан Жамғарма ўртасида жисмоний шахслар томонидан тўлиқ қийматда харид қилинган қурилма харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан харид қилинган қурилма харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун маблағлар ажратиш бўйича шартномалар имзоланади.

9. Қурилмани сотиб олиш товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш Платформанинг маркетплейс тизими ёрдамида амалга оширилади.

10. Қурилмани ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлар ишлаб чиқарувчилар томонидан Платформанинг маркетплейс тизимида эркин жойлаштирилади.

11. Ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари томонидан кўрсатилган хизматлар ариза берувчилар томонидан баҳоланади ва уларнинг рейтинги автоматик равишда шакллантирилади.

12. Ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентлари ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан Жамғарма томонидан мониторинг Платформа орқали амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра, ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг савдо агентлари томонидан Платформанинг маркетплейс тизимидаги ўз хизматларини таклиф этиш имконияти ҳар чоракда ўрганиб борилади.

13. Қурилма харажатларининг бир қисмига компенсация ажратиш, шу-

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нингдек, фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш учун харид қилинган қурилма харажатлари ишлаб чиқарувчиларга Жамғарма томонидан ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган схема асосида тўлаб берилади.

### **2-боб. Қурилмани сотиб олиш ва уни ўрнатиш харажатларини компенсация қилиш шартлари**

14. Қурилмани сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки ушбу харажатларни фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Жамғарма орқали қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

- а) қурилма мувофиқлик сертификатига эга бўлиши;
- б) қурилмадан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши;
- в) қурилмани ўрнатиш Платформа орқали расмийлаштирилиши;
- г) сотиб олинган ва ўрнатилган қуёш ва шамол электр станцияси қурилмалари учун базавий ҳисоблаш миқдоридан (БҲМ) келиб чиқиб қуйидаги миқдорда компенсация белгиланади:

0,5 кВтдан 1 кВтгача	7 баробар;
1 кВт ва ундан 1,5 кВтгача	10 баробар;
1,5 кВт ва ундан 2 кВтгача	15 баробар;
2 кВт ва ундан юқори	20 баробар;
5 кВт ва ундан юқори*	50 баробар;

\* *фақат янги ерларни ўзлаштиришидаги тик қудуқларда ўрнатилган сув насосларининг электр энергияси истеъмоли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари орқали таъминлаганда компенсация берилади;*

д) сотиб олинган ва ўрнатилган қуёш сув иситиш қурилмалари учун базавий ҳисоблаш миқдоридан (БҲМ) келиб чиқиб қуйидаги миқдорда компенсация белгиланади:

сув иситиш ҳажми 100 литр	5 баробар;
сув иситиш ҳажми 200 литр	7 баробар.

Жисмоний шахслар томонидан қанча миқдорда қурилмалар харид қилинишидан қатъи назар:

қуёш ва шамол электр станцияси қурилмалари учун компенсацияларнинг максимал миқдори БҲМнинг 50 баробаридан;

сув иситиш қурилмалари учун компенсацияларнинг максимал миқдори БҲМнинг 7 баробаридан ошиб кетмаслиги керак;

е) Фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш 5 кВтгача бўлган қуёш ва шамол электр станцияси қурилмалари ҳамда 200 литр ва ундан паст бўлган ҳажмдаги қуёш сув иситиш қурилмалари учун амалга оширилади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### **3-боб. Ишлаб чиқарувчи ҳамда ариза берувчи ва биргаликда тўловчи ҳамда кафилинг мувофиқлик мезонлари**

15. Ишлаб чиқарувчи қуйидаги мезонларига мувофиқ бўлиши лозим: қурилмани ишлаб чиқариш ёки уни сотиш, ўрнатиш ва сервис хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиши;

худудларда сервис хизматини кўрсатиш имкониятига эга бўлиши;

ишлаб чиқариладиган қурилма давлат стандартлари талабларига мос келиши ва мувофиқлик сертификатига эга бўлиши;

охирги молиявий йил якунига кўра фаолиятини зарар билан яқунланмаганлиги;

кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

давлат бюджети олдида (солиқлар, божлар, йиғимлар ва бошқалар) қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

16. Қурилмалар харажатларини фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича ариза берувчилар, шунингдек, кафил ва биргаликда тўловчи қуйидаги мувофиқлик мезонларига мос бўлиши лозим:

а) сотиб олинадиган қурилма қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан (аёллар 55 ёш) ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши;

б) доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан доимий даромадга, шунингдек, сотиб олинган қурилма қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлиши;

в) қарз юки кўрсаткичи 50 фоиздан юқори бўлмаслиги (қарз юки юкламаси ишлаб чиқарувчининг ихтиёрига кўра ўзгартирилиши мумкин). Қарз юки кўрсаткичи ҳисоб-китобларида ариза берувчи ва биргаликда тўловчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори улар томонидан охириги 12 ой мобайнидаги (12 ойдан кам ишланган тақдирда — ишланган давр учун) олган даромадлари миқдорининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисобланади;

г) сотиб олинган қурилма қийматини бўлиб-бўлиб тўлашни кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввал олинган кредитлар бўйича 30 кун муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

### **4-боб. Ариза берувчиларнинг муурожаатини кўриб чиқиш тартиби**

17. Жамғарма қурилмани харид қилиш харажатларини компенсация қилиш ёки фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан қурилмани харид қилиш учун Платформа орқали ариза берувчининг томонидан муурожаатини онлайн тарзда кўриб чиқилишини таъминлайди.

18. Ариза берувчи барча босқичларда Платформада онлайн кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида унга Платформа

орқали (SMS-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) маълумот бериб борилади.

19. Ариза берувчи Платформа ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки Давлат хизматлари маркази оператори кўмагида Платформада жойлаштирилган қурилмалар билан танишиб, ўзига маъқул бўлган қурилмани танлайди ва мурожаат аризасини қолдиради. Ариза берувчи Платформа орқали ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти кўмагида аризани қолдириши мумкин.

20. Ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафил Платформа орқали белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш маълумотларига кўра бир кун муддатда автоматлаштирилган ҳолда кўриб чиқилади. Бунда фуқароларни скоринг баҳолаш (фуқаро маълумотлари, уларни идентификациялаш, бюджет, солиқ, коммунал, кредит ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, шунингдек, кредит тарихи ва бошқалар) белгиланган мувофиқлик мезонлари асосида амалга оширилади.

21. Қуйидаги ҳолларда ариза берувчининг аризаси Платформа томонидан скоринг баҳолаш маълумотлари асосида автоматик равишда рад этилади:

ариза берувчининг Платформада кўриб чиқиш жараёнида аризаси мавжуд бўлганда;

18 ёшга тўлмаган ёки 60 ёшдан (аёллар 55 ёш) ошган фуқаро номидан ариза берилганда;

ариза берувчининг банк кредитлари бўйича 30 кун муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;

салбий кредит тарихига эга бўлганда;

ариза берувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда.

22. Ариза берувчи фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан харид қилинадиган қурилмалар тўловлари учун бошқа жисмоний шахсни кафил ва биргаликда тўловчи сифатида қабул қилиши мумкин. Бунда ушбу жисмоний шахс Низомнинг 20-банди талабларига мувофиқ скоринг баҳоланади.

23. Ўрнатилган қурилма харажатлари тўловини тўлиқ амалга оширадиган жисмоний шахсларга ушбу Низом 21-бандининг 4 — 6-хатбошлари талаблари татбиқ этилмайди.

24. Скоринг баҳолаш натижаси ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентига электрон маълумот сифатида келиб тушади, шунингдек, бу ҳақда ариза берувчининг телефон рақамига SMS-хабар юборилади.

25. Ариза берувчи (қурилма харажатларини фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича) томонидан тижорат банкида доимий пул маблағлари кирим бўладиган тўлов картаси реквизитлари Платформага киритади. Шунингдек, ариза берувчининг мажбуриятлари бўйича биргаликда тўловчи ёки кафил зарур бўлганда, уларга тегишли бўлган тўлов картаси реквизитлари ҳам Платформага киритилади.

26. Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентининг масъул ходими ариза берувчининг аризасига асосан жойига чиққан ҳолда, сотиб олинadиган қурилмани ўрнатиш бўйича шарт-шароитлари ва қанча қувватдаги қурилмани

ўрнатиш имконияти мавжудлигини ўрганиб, натижаси бўйича видео ва фото ҳисобот илова қилган ҳолда, тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги маълумотни ўн иш куни мобайнида Платформага жойлаштиради.

27. Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентининг масъул ходими тавсиянома беришдан аввал қурилмани ўрнатиш билан боғлиқ бўлган вазиятларни инобатга олган ҳолда, «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда соҳага масъул ташкилотларнинг хулосасини (техник шартлари) олиш ваколатига эга бўлиб, олинган маълумотларга мувофиқ қурилмани ўрнатилиши тўғрисида тавсиянома расмийлаштиради ёки тавсиянома беришни рад этади.

Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентининг Платформа орқали юборган сўровига ушбу бандда кўрсатилган ташкилотлар томонидан беш иш куни мобайнида хулосаси берилиши шарт.

Тавсиянома бериш учун ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентининг масъул ходими томонидан тегишли ташкилотларнинг хулосасини олиш зарур бўлганда, қарор қабул қилиш тегишли муддатга узайтирилади.

28. Қуйидаги ҳолларда тавсияномалар берилмайди:

қурилмани ўрнатиш учун шарт-шароит мавжуд бўлмаганда;

қурилма ўрнатилаётган фойдаланишдаги томорқа ер участкаси ёки қўчмас мулкнинг эгалик ҳуқуқи ариза берувчига тегишли бўлмаганда;

қонунчиликка зид бўлган бошқа ҳолатлар аниқланганда.

29. Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентининг масъул ходими томонидан қурилмани ўрнатиш бўйича тавсиянома берилади ёки қурилма ўрнатиш рад этилганда унинг сабаблари кўрсатилиши зарур, шунингдек, ариза берувчига SMS-хабар орқали бу ҳақда маълум қилинади.

Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан қурилманинг ўрнатилиши юзасидан берилган тавсиянома масъул ходим томонидан Платформага жойлаштирилади.

30. Ишлаб чиқарувчи ва ариза берувчи ўртасида электрон олди-сотди шартномаси Платформада расмийлаштирилади, SMS-хабар орқали юборилган код ёрдамида тузилади.

31. Электрон шартнома имзоланган санадан бошлаб ўн иш кунида ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан қурилма ариза берувчига ўрнатиб, ишга тушириб берилиши зарур.

Ариза берувчи ўрнатилган қурилма ишга тушганлигини қабул қилиб, қониқиш ҳосил қилгандан сўнг Платформада автоматик тарзда шакллантирилган электрон ҳисобварақ-фактурани имзолайди ва ишлаб чиқарувчи ёки унинг номидан савдо агенти ариза берувчи билан қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштиради ҳамда ўрнатилган қурилманинг серия рақамлари бўйича фото ва видео ҳисобот ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан тайёрланиб, Платформа орқали Жамғармага юборилади.

32. Платформада жойлаштирилган ҳисобварақ-фактура, қабул қилиш-топшириш далолатномаси, фото ва видео ҳисоботга асосан унинг баҳоси, миқдори, қуввати, сифати ва бошқа кўрсаткичлари бўйича маркетплейсда кўрса-

тилган талабларга мос келиши ёки келмаслиги, яъни Жамғарма томонидан қурилма қиймати тўловини амалга ошириши ёки тўловни амалга оширишни рад этиш тўғрисида уч иш кунда расмийлаштирилган электрон маълумотномани Платформага жойлаштирилади.

33. Ишлаб чиқарувчи ўн иш кун ичида ҳужжатлардаги номутаносиблик, хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда, Жамғармага қайтадан тақдим этиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг рад этилиши учун асос бўлган камчиликлар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган муддат ичида бартараф этилиб, Жамғармага тақдим қилинганда, ҳужжатларни кўриб чиқиш ариза берувчининг дастлаб тақдим этган аризаси асосида давом эттирилади.

34. Платформа орқали тузилган шартнома асосида қурилма ариза берувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг, ишлаб чиқарувчининг мурожаати келиб тушган санадан эътиборан беш иш кундан ошмаган муддатда Жамғарма томонидан қурилма учун тўловлар амалга оширилади.

#### **5-боб. Платформа маркетплейс тизимининг ишлаш тартиби**

35. Платформанинг маркетплейс тизимида товар ва хизматларни сотиш истаги бўлган ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти учун очик электрон савдо майдони ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти Платформа орқали маркетплейс тизимига кириб, ўз қурилмалари тўғрисидаги маълумотларни мустақил равишда жойлаштириши ҳамда тизимнинг имкониятларидан эркин фойдаланиши мумкин.

36. Платформанинг маркетплейс тизимида ишлаб чиқарувчилар ундан фойдаланиш тартиби ва шартлари билан танишганлиги ҳамда ушбу шартларга рози эканлиги тўғрисида электрон шаклдаги оммавий офертани (шартнома тузиш ҳақида таклиф) акцептлаш (таклифни қабул қилиши) орқали иштирок этади ва шунга асосан ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентидан Платформа маркетплейс тизимидан фойдаланиш имкони мавжуд бўлади.

Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентидан ўз товар ва хизматларини маркетплейс тизимига жойлаштирганлиги учун тўлов ундирилмайди.

37. Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан ариза берувчига маркетплейс тизимида танлаган қурилмалар шартнома тузилган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда етказиб берилиши ва ўрнатилиши лозим.

#### **6-боб. Ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентини Платформанинг маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатиш тартиби**

38. Жамғарма қуйидаги ҳолларда ишлаб чиқарувчини Платформанинг маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатади ва Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритади:



ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти ва ариза берувчи ўзаро келишган ҳолда маблағни мақсадсиз ишлатганлиги аниқланганда;

ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан ўн ва ундан ортиқ шартнома бўйича қурилмалар етказиб берилмаганлиги ва ўрнатилмаганлиги аниқланган тақдирда;

йил якуни билан молиявий ҳисоботлар асосида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра иқтисодий кўрсаткичларнинг салбий ўзгаришлари;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

ишлаб чиқарувчи ёки ўзининг савдо агенти орқали таклиф этилаётган қурилмалар малакавий, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш ва (ёки) қурилмани танлаш (етказиб бериш ва ўрнатиш) жараёнида ариза берувчилар томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-тамойилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида:

ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса.

39. Жамғарма томонидан ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти Платформанинг маркетплейс тизимида иштирок этишдан четлатилганда, автоматик равишда Платформанинг маркетплейс тизимидаги Ноҳалол таъминотчилар реестрига жамоатчилик учун эълон жойлаштирилади.

40. Ноҳалол таъминотчилар реестрига киритилган таъминотчининг бир йил давомида маркетплейс тизимида иштирок этиши мумкин эмас, ушбу муддат тугагандан кейин таъминотчи Ноҳалол таъминотчилар реестридан чиқарилган ҳисобланади.

### **7-боб. Бўлиб-бўлиб амалга ошириладиган тўловлар мониторингини олиб бориш ва ишлаб чиқарувчи томонидан Жамғармага маблағларни қайтариш тартиби**

41. Ариза берувчининг қурилма учун фоизсиз бўлиб-бўлиб тўланадиган маблағлар ҳисоб-китобини юритиш ва Жамғармага қайтарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарувчи талаби билан хизмат кўрсатувчи тижорат банки филиали томонидан алоҳида махсус ҳисобрақам очилади.

42. Тўловларни қайтариш тартиби ишлаб чиқарувчи ёки унинг номидан савдо агенти билан ариза берувчи ўртасидаги бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида тузилган электрон шартномаси ва қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

43. Ишлаб чиқарувчи бир ой давомида ариза берувчига ўрнатилган қурилма бўйича рўйхатни тузиб, ушбу рўйхатга мувофиқ маблағларни қайта-



риш жадвалини томонлар ўртасида имзоланиши учун Жамғармага кейинги ойда тақдим этади. Томонлар ўртасида имзоланадиган тўловларни қайтариш жадвалида Жамғармага тўловларни қайтаришнинг аниқ санаси белгилаб қўйилиши шарт.

44. Ариза берувчи томонидан 36 ой давомида тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари ишлаб чиқарувчи ёки унинг номидан савдо агенти ва ариза берувчи ўртасида имзоланган шартномада белгиланади. Бунда ҳар ойлик тўловлар шартномага илова қилинган тўловларни қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда ундирилади.

45. Ариза берувчи томонидан ҳисобот ойида ишлаб чиқарувчининг махсус ҳисобрақамига тўланган ҳар ойлик тўловлар томонлар ўртасида имзоланган тўловларни қайтариш жадвалларида белгиланган санадан кечиктирмасдан Жамғарма ҳисобрақамига ўтказиб берилиши шарт.

46. Ҳар чорак якунида ариза берувчи томонидан тўланган тўловлар ишлаб чиқарувчи томонидан Жамғармага ўтказиб борилганлиги тўғрисида томонлар ўртасида солиштирма далолатнома расмийлаштириб борилади. Далолатномага асосан ўз вақтида ўтказилмаган тўловлар бўйича Жамғарма томонидан ишлаб чиқарувчининг асосий ҳисобрақамига қўйилган тўлов талабномаси асосида ундирилади.

47. Ишлаб чиқарувчи бўлиб-бўлиб тўлашдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида ишлаб чиқарувчи масъул ходими ҳар ойлик тўловларнинг тўланиши ҳамда қурилманинг бут сақланишини назорат қилиб боради.

48. Қурилмани белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик ва бут сақланмаганлиги учун ариза берувчига нисбатан ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти томонидан қўлланиладиган чоралар шартномада белгиланган бўлиши керак.

49. Ариза берувчи томонидан тўловлар белгиланган муддатларда тўланмаганда, ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти масъул ходими ариза берувчи билан шахсан учрашиб, мажбурияти бажарилмаётгани сабабини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган тўловларнинг қайтарилишини таъминлаш чорасини кўришни талаб қилади.

50. Ариза берувчи томонидан тўловларни шартнома ва унга илова қилинган тўловларни қайтариш жадвали бўйича мажбуриятларни мунтазам равишда кетма-кет уч ой давомида бузган тақдирда шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти белгиланган тартибда ундирувчи амалдаги қонунчилик доирасида таъминлаш чораларини кўриши шарт.

51. Ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агенти ариза берувчи томонидан бўлиб-бўлиб тўланадиган маблағ қайтарилишини таъминлаши, акс ҳолда қайтарилмаган тўловлар бўйича ўзининг пул маблағлари ва мол-мулклари билан Жамғарма олдида жавобгар бўлади.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

52. Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан

Платформанинг маркетплейс тизимидаги савдо майдони орқали маълум бир давр мобайнида катта миқдорда товар айланмасини амалга оширган ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентига ҳақиқатда товарларнинг мавжудлиги доимий таҳлил қилиб борилади.

Бунда ҳар ойда ушбу ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти бўйича Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади.

53. Жамғарма Платформаси маркетплейс тизимида иштирок этадиган ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентига қўйиладиган талабларни белгилаш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ваколатига эга.

54. Жамғарма томонидан ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агентига ажратилган маблағлар мақсадли ишлатилишини ўрганиш мақсадида ариза берувчига ўрнатилган қурилма ишлаб чиқарувчи ва унинг савдо агенти билан биргаликда жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиниши мумкин.

55. Ариза берувчи ўрнатилган қурилмадан техник талабларга риоя этган ҳолда фойдаланиши, ёнғин хавфсизлиги ва техноген ҳолатларга йўл қўймаслиги бўйича белгиланган йўриқномаларга риоя этилишини таъминлайди.

56. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**375** Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги ай-  
рим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғри-  
сида\*

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи:

а) Шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг ҳимоя қилинганлик даражасини белгилаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан келиб чиқиб, уларнинг ҳимоя қилинганлик даражаларини белгилаш;

шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинганлик даражасини таъминлаш бўйича талаблар;

б) Биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига оид талаблар тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

биометрик ва генетик маълумотларни моддий жисмларда сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби;

биометрик ва генетик маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига қўйиладиган талаблар.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда белгиланган талабларга амал қилишда келиб чиқадиган харажатлар шахсга доир маълумотларга ишлов берувчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази икки ой муддатда:

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, улар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштириш ва судга тақдим этиш ваколатига эга бўлган давлат органини белгилашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 6 октябрда эълон қилинган.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб, уч ойдан сўнг кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори У.Ш. Ташходжаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 5 октябрь,  
570-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг  
ҳимоя қилинганлик даражасини белгилаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» Қонунига мувофиқ шахсга доир маълумотлар базаси (кейинги ўринларда — маълумотлар базаси) мулкдор ва (ёки) операторлари томонидан шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан келиб чиқиб, уларнинг ҳимоя қилинганлик даражасини белгилайди.

2. Мулкдор ва (ёки) операторлар шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан келиб чиқиб, ушбу маълумотларни ҳимоя қилишнинг ташкилий ва техник чора-тадбирларини амалга оширади.

3. Шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мулкдор ва (ёки) операторлар ёхуд улар масъул этиб белгилаган шахслар томонидан амалга оширилади.

4. Маълумотлар базаларида ишлов бериладиган шахсга доир маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25, 26, 29-моддаларига мувофиқ махсус, биометрик, генетик ва ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлардан ташкил топади.

5. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**амалий дастурий таъминот** — аниқ предмет соҳаси бўйича муайян масалалар синфини ечишга мўлжалланган дастурлар мажмуасидир (Access, Oracle ва ҳоказо).

**биометрик маълумотлар** — субъектнинг анатомик ва физиологик ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи шахсга доир маълумотлар;

**генетик маълумотлар** — субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар;

**маълумотлар базаси** — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

**маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор)** — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

**маълумотлар базасининг оператори (оператор)** — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

**махсус маълумотлар** — ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги маълумотлар шахсга доир махсус маълумотлардир;

**тизимли дастурий таъминот** — компьютернинг ва компьютер тармоқларининг ишини таъминловчи дастурлар мажмуаси (операцион тизимлар, драйверлар, утилиталар, архиваторлар ва бошқалар);

хамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар — субъектнинг розилиги билан эркин фойдаланилиши мумкин бўлган ёки махфийликка риоя этишга доир талаблар татбиқ этилмайдиган маълумотлар.

6. Мулкдор ва (ёки) операторлар ходимларининг маълумотлар базасида фақатгина ушбу ходимларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов берилади.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган субъектларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш алоҳида маълумотлар базасида амалга оширилади.

## **2-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидлар**

7. Шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигига таҳдидлар деганда, маълумотлар базасига рухсатсиз, шу жумладан тасодиқий кириш натижасида шахсга доир маълумотларни ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш, йўқ қилиш, нусхалаш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси тушунилади.

Шахсга доир маълумотлар базасининг тизимли дастурий таъминотида декларация қилинмаган (эълон қилинмаган) имкониятлар мавжудлиги билан боғлиқ таҳдидлар 1-турдаги таҳдидлар ҳисобланади.

Шахсга доир маълумотлар базасининг амалий дастурий таъминотида

декларация қилинмаган (эълон қилинмаган) имкониятлар мавжудлиги билан боғлиқ таҳдидлар 2-турдаги таҳдидлар ҳисобланади.

Шахсга доир маълумотлар базасининг тизимли ҳамда амалий дастурий таъминотида декларация қилинмаган (эълон қилинмаган) имкониятлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлмаган таҳдидлар 3-турдаги таҳдидлар ҳисобланади.

8. Маълумотлар базасига тааллуқли шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг тури ушбу хужжатга мувофиқ мулкдор ва (ёки) оператор томонидан белгиланади.

### **3-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларнинг ҳимоя қилинганлик даражалари**

9. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда ушбу маълумотларни ҳимоя қилишнинг 4 та даражаси мавжуд.

10. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 1-даражаси ўрнатилиши учун қуйидаги шартлардан камида биттаси мавжуд бўлиши лозим:

маълумотлар базалари учун 1-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда маълумотлар базаларида махсус ва (ёки) биометрик ва (ёки) генетик маълумотларга ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 2-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан ортиқ субъектларнинг махсус маълумотларига ишлов берилганда.

11. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 2-даражаси ўрнатилиши учун қуйидаги шартлардан камида биттаси мавжуд бўлиши лозим:

маълумотлар базалари учун 1-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда маълумотлар базаларида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларга ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 2-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) оператор ходимларининг махсус маълумотлари ёки мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан кам бўлган субъектларнинг махсус маълумотларига ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 2-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда маълумотлар базаларида биометрик ва (ёки) генетик маълумотларга ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 2-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан ортиқ субъектларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларига ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 3-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан ортиқ субъектларнинг махсус маълумотларига ишлов берилганда.

12. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 3-даражаси ўрнатилиши учун қуйидаги шартлардан камида биттаси мавжуд бўлиши лозим:

маълумотлар базалари учун 2-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) оператор ходимларининг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларига ёхуд мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан кам бўлган субъектларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларига ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 3-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда мулкдор ва (ёки) оператор ходимларининг махсус маълумотларига ёки мулкдор ва (ёки) операторнинг ходимлари бўлмаган 50 000 дан кам бўлган субъектларнинг махсус маълумотларига ишлов берилганда;

маълумотлар базалари учун 3-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда биометрик ва (ёки) генетик маълумотларга ишлов берилганда.

13. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 4-даражаси ўрнатилиши учун қуйидаги шарт мавжуд бўлиши лозим:

маълумотлар базалари учун 3-турдаги таҳдидлар мавжуд бўлганда ҳамда маълумотлар базасида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларга ишлов берилганда.

#### **4-боб. Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинганлик даражаларини таъминлайдиган талаблар**

14. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 4-даражасини таъминлаш учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

маълумотлар базалари жойлашган биноларнинг хавфсизлик режимини ташкил этиш, ушбу биноларга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг назоратсиз кириши ёки ушбу биноларда қолишининг олдини олиш;

шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмлар хавфсизлигини таъминлаш;

маълумотлар базаларида ишлов берилаётган шахсга доир маълумотларга кириш, уларнинг хизмат (меҳнат) вазифаларини бажариши учун зарур бўлган шахслар рўйхатини белгилайдиган ҳужжатни мулкдор ва (ёки) оператор раҳбари томонидан тасдиқлаш;

шахсга доир маълумотларни мавжуд таҳдидлардан ҳимоя қилиш, зарурат бўлганда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибидан ўтган ахборот хавфсизлиги воситаларидан фойдаланиш.

15. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 3-даражасини таъминлаш учун:

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган талабларни бажариш;

маълумотлар базасидаги шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш учун масъул мансабдор шахс (ходим) тайинлаш зарур.

16. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 2-даражасини таъминлаш учун:

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган талабларни бажариш;

маълумотлар базасининг электрон хабарлар журналидаги маълумотлар



фақат хизмат (меҳнат) вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ходимлар ёки ваколатли шахсларга ушбу журналга кириш ҳуқуқини тақдим этиш лозим.

17. Маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларга ишлов беришда уларни ҳимоя қилишнинг 1-даражасини таъминлаш учун:

ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган талабларни бажариш;

маълумотлар базаларидаги шахсга доир маълумотларга кириш учун мулкдор ва (ёки) оператор ходимининг ваколатлари ўзгаришини электрон хавфсизлик журналида автоматик равишда рўйхатга олиш;

маълумотлар базаларидаги шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма тузиш ёки таркибий бўлинмалардан бирига бундай хавфсизликни таъминлаш вазифаларини юклаш лозим.

### 5-боб. Яқуний қоидалар

18. Мазкур Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига оид талаблар тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» Қонунига мувофиқ биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига оид талабларни белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**биометрик маълумотлар** — субъектнинг анатомик ва физиологик ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи шахсга доир маълумотлар;

**генетик маълумотлар** — субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар;

**маълумотларни электрон кўринишда сақлайдиган моддий жисм-**

**лар** — мослашувчан магнит дисклар, оптик дисклар, қаттиқ (олинмайдиган) магнит дисклар, электрон хотирали дисклар (флэш), аутентификациянинг электрон воситалари (токенлар, планшетлар ва бошқалар);

**моддий жисмлар** — шахсга доир маълумотларни ташкил этувчи ахборот қайд этилган моддий жисмлар, шу жумладан ҳажмли жисмлар, шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар;

**шахсга доир маълумотлар** — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;

**шахсга доир маълумотлар базаси (маълумотлар базаси)** — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

**шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор)** — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

**шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (оператор)** — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

**шахсга доир маълумотларга ишлов бериш** — шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;

**шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект)** — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

қоғоз ёки пластмассадан иборат моддий жисмлар — қоғоз асосида чоп этилган матнли, график ва бошқа маълумотлар, пластик карталар ва бошқалар.

## **2-боб. Биометрик ва генетик маълумотларни моддий жисмларда сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларнинг ҳисобини юритиш**

3. Биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш мақсадида фойдаланиладиган ҳар қандай моддий жисмлар қонунчиликда белгиланган тартибда «махфий» ёки «хизмат доирасида фойдаланиш учун» грифи билан белгиланиши лозим.

4. Биометрик ва генетик маълумотларни электрон шаклда сақлашда ушбу маълумотлар шифрланган ва криптографик ёки бошқа усулларда ҳимояланган бўлиши зарур.

5. Мулкдор ва (ёки) оператор биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш жараёнида ушбу маълумотлар сақланаётган моддий жисмларнинг ҳисоби юритилишини таъминлаши шарт.

6. Мулкдор ва (ёки) оператор биометрик ва генетик маълумотлар қайд этилган моддий жисмларнинг ўғирланиши, ўчирилиши, йўқ қилиниши, рух-

сатсиз олинishi, ўзгартирилиши ҳамда назоратсиз қолдирилишининг олдини олувчи тегишли хавфсизлик чораларини кўриши лозим.

Хавфсизлик чораларини кўришда биометрик ва генетик маълумотлар:

ёнгин хавфсизлиги талабларига, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши, шунингдек, сув босмаслигидан кафолатланган бўлиши;

бегона шахсларнинг кириш имкониятини истисно этадиган ишончли ҳимоя воситаларига эга бўлиши;

сейфларда, металл жавонларда ёки металл стеллажларда сақланиши;

кириш эшиклари ва деразалари қўриқлаш хизматига боғланган қўриқлаш сигнализацияси ва видеокузатув мосламалари билан жиҳозланган хоналарда сақланиши.

7. Биометрик ва генетик маълумотлар қайд этилган моддий жисмлардан шахсга доир маълумотлар ўчирилганда, ушбу моддий жисмлар ҳисобдан чиқарилмайди.

Ҳисобдан чиқарилмаган моддий жисмлардан келгусида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадида қайта фойдаланиш мумкин, бир марталик фойдаланиш назарда тутилган ва фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган моддий жисмлар бундан мустасно. Бундай моддий жисмлар белгиланган тартибда йўқ қилинади.

8. Моддий жисмдан унга биометрик ва генетик маълумотларни қайд этган мулкдор ва (ёки) оператор томонидан белгиланган, лекин ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган эксплуатация муддатидан кўп бўлмаган муддатда фойдаланилиши керак.

9. Биометрик ва генетик маълумотлардан нусха кўчириш ушбу маълумотлар ишлов берилишига рухсат этилган техник қурилмаларда ҳамда мулкдор ва (ёки) оператор масъул ходимларининг бевосита иштирокида амалга оширилади.

10. Агар моддий жисмда биометрик ва генетик маълумотлар билан бирга уларга боғлиқ қўшимча шахсга доир маълумотлар ҳам бўлса, бундай маълумотлар кучайтирилган малакали электрон имзо билан тасдиқланиши ва (ёки) моддий жисмда қайд этилган маълумотларнинг яхлитлиги ҳамда ўзгармаслигини сақлаб қолиш имконини берувчи бошқа ахборот технологиялари билан ҳимояланган бўлиши керак.

11. Маълумотлар базасидаги биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш жараёнида қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотлари (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этилиши лозим.

12. Биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш учун фойдаланиладиган моддий жисм тури мулкдор ва (ёки) оператор томонидан белгиладиган.

### **3-боб. Биометрик ва генетик маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига қўйиладиган талаблар**

13. Биометрик ва генетик маълумотларни шахсга доир маълумотлар база-

ларидан ташқарида сақлашда қўйидаги технологик ва бошқа талаблар таъминланиши лозим:

мулкдор ва (ёки) операторнинг ваколатли шахслари учун моддий жисмда сақланаётган шахсга доир маълумотларга кириш;

моддий жисмда қайд этилган биометрик ва генетик маълумотларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини сақлаб қолишга имкон берувчи электрон имзо воситаларидан ёки бошқа ахборот технологияларидан фойдаланиш;

субъектнинг ўзига тегишли биометрик ва генетик маълумотларни ишлов беришга берган ёзма розилиги ёки биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш учун қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган бошқа асослар мавжудлигини текшириш.

14. Биометрик ва генетик маълумотлар шахсга доир маълумотлар базасидан алоҳида сақлаш учун чиқарилганда, ушбу маълумотларни рухсатсиз ва такроран қайд этиш асослари рўйхатга олинishi талаб этилади.

15. Мулкдор ва (ёки) оператор ўзининг маълумотлар базаларида биометрик ва генетик маълумотларни ҳимоя қилиш усулларида келиб чиқиб, ушбу маълумотларни шахсга доир маълумотлар базаларидан ташқарида сақлаш технологияларига қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган қўшимча талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

16. Мазкур Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****376 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режим-  
ни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3391*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Раис****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 30 август,  
19/14-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
30 августдаги 19/14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни  
жорий этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни (бундан буён матнда «тартибга солиш қум-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 4 октябрда эълон қилинган.

дони» деб юритилади) жорий этиш ва бекор қилиш, шунингдек мазкур ре-  
жим доирасида фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ариза берувчи** — Марказий банкка янги молиявий операциялар, техно-  
логиялар ва хизматларни (бундан буён матнда молиявий хизмат деб юрити-  
лади) синовдан ўтказиш учун ариза тақдим этган Ўзбекистон Республикаси  
резиденти бўлган юридик шахс;

**биргаликда ариза берувчи** — Марказий банкка молиявий хизматни  
синовдан ўтказиш учун ариза берувчи билан биргаликда мурожаат этган  
Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс;

**Марказий банкнинг назорати остида бўлган ташкилотлар** —  
банклар, нобанк кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, тўлов  
ташкилотлари, кредит бюrolари, валюта биржалари;

**синовдан ўтказиш** — янги молиявий хизматни «тартибга солиш қум-  
дони» доирасида кўрсатиш;

**«тартибга солиш қумдони» иштирокчиси** — «тартибга солиш қум-  
дони» доирасида янги молиявий хизматни синовдан ўтказишга рухсат берил-  
ган юридик шахс;

**«тартибга солиш қумдони»нинг амал қилиш муддати** — Марка-  
зий банк ва «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси ўртасидаги ўзаро кели-  
шувга кўра «тартибга солиш қумдони»нинг вақтинчалик тартибида (бундан  
буён матнда вақтинчалик тартиб деб юритилади) белгиланадиган, бироқ уч  
йилдан ортиқ бўлмаган муддатни ўз ичига олган давр.

2. «Тартибга солиш қумдони»нинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисоб-  
ланади:

молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни ошириш;

молиявий хизматлар мижозлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва молия ти-  
зими барқарорлигини таъминлаш шарти асосида янги молиявий хизматларни  
жорий этишга кўмаклашиш;

молиявий хизматлар турларини кенгайтириш, уларнинг оммабоплигини  
ҳамда мижозларнинг талабларига мувофиқлик ва уларнинг қониққанлик да-  
ражасини ошириш;

молиявий хизматни синовдан ўтказишнинг муваффақиятли натижалари  
бўйича қонунчиликни такомиллаштириш.

3. Синовдан ўтказишга рухсат этиладиган молиявий хизматлар қуйидаги  
мезонлардан бирига мувофиқ бўлиши лозим:

молиявий хизматнинг республика молиявий хизматлар бозори учун ян-  
гилиги;

молиявий хизмат истеъмол хусусиятларининг мавжуд хизматларга нисба-  
тан яхшиланганлиги;

молиявий хизматни кўрсатишга қонунчиликда чекловлар ёки ноаниқлик-  
ларнинг мавжудлиги.

4. Молиявий хизматни синовдан ўтказиш учун Марказий банкнинг назо-

рати остида бўлган ташкилотлар, шунингдек, умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ назорати молиявий соҳани тартибга солувчи (назорат қилувчи) орган томонидан амалга ошириладиган бошқа юридик шахслар ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи бўлиши мумкин.

Бунда, мазкур Низом доирасида:

фаолияти Марказий банкдан бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан тартибга солинувчи юридик шахсларнинг молиявий хизматларини;

Марказий банк назоратидаги ташкилотларнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан тартибга солинадиган муайян соҳалардаги молиявий хизматларини;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек умум эътироф этилган халқаро стандартларга (Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиялари, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ҳоказолар) мувофиқ қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмасдан кўрсатиладиган молиявий хизматларни синовдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

5. Ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи юридик шахс қўйидаги талабларнинг барчасига мувофиқ бўлиши лозим:

қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнида эмаслиги ҳамда банкрот деб топилмаган ва унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик бўйича иш қўзғатилмаган бўлиши;

бенефициар мулкдорларида, бошқарув органлари аъзоларида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролнинг тарқатилишини молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёхуд олиб ташланмаган судланганлик ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги;

бенефициар мулкдорлари, бошқарув органлари аъзолари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ва ҳудуднинг резиденти бўлмаслиги, шундай давлат ва ҳудудда яшамаслиги ёки рўйхатдан ўтмаганлиги;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш учун аризани тақдим этган кунда Марказий банкнинг назорати остида бўлган ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчига (мавжуд бўлганда) нисбатан «тартибга солиш қумдони» доирасида молиявий хизматни синовдан ўтказишга тўсқинлик қилувчи молиявий операцияларни амалга оширишга доир чекловлар қўлланилмаганлиги.

Агар ариза берувчи ва (ёки) биргаликда ариза берувчининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида «бенефициар мулкдор» тушунчаси белгиланмаган бўлса, бенефициар мулкдор деганда ариза берувчига ва (ёки) биргаликда ариза берувчига ҳақиқатда эгалик қилувчи ёки уни назорат қилувчи жисмоний шахс тушунилади.



6. Марказий банкнинг «тартибга солиш қумдони» доирасидаги ваколатлари қуйидагилар қиради:

таклиф этилаётган янги молиявий хизмат бўйича «тартибга солиш қумдони»ни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги, унинг муддатини «тартибга солиш қумдони»нинг амал қилиш муддати доирасида узайтириш, синовдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

вақтинчалик тартибни ҳамда «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси томонидан молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақида Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг молиявий хизматни синовдан ўтказишга доир фаолиятини инспекция ва алоҳида масалалар юзасидан текширувдан ўтказиш;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчисига «тартибга солиш қумдони» доирасида амалга ошираётган фаолиятига нисбатан пруденциал нормативлар ўрнатиш;

«тартибга солиш қумдони» доирасида «тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг юзага келиши мумкин бўлган тадбиркорлик таваккалчилиги суғурта қилинишини талаб қилиш;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиб, синовдан ўтказиш натижалари муваффақиятли ёки муваффақиятсизлиги тўғрисида қарор қабул қилиш.

Марказий банк молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёнини ҳар олти ойда кўриб чиқади.

7. Марказий банкнинг «тартибга солиш қумдони»га доир ваколатлари Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. «Тартибга солиш қумдони»ни жорий этиш ва бекор қилиш**

### **1-§. «Тартибга солиш қумдони»ни жорий этиш талаблари ва шартлари**

8. Молиявий хизматни синовдан ўтказиш учун ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ аризани тақдим этади:

синовдан ўтказиш таклиф этилаётган молиявий хизмат тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ маълумотни;

молиявий хизматни синовдан ўтказишда ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) ўртасида вазифаларнинг таклиф этилаётган тақсимоти тўғрисидаги маълумотномани;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақидаги ҳисобот шакллари;

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Низомнинг 9-бандига мувофиқ вақтинчалик тартиб лойиҳасини.

Аризада ариза берувчининг ва биргаликда ариза берувчининг (мавжуд бўлганда) электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Аризада электрон манзили кўрсатилганлиги унинг (уларнинг) аризаси бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ахборот тизими орқали электрон шаклда хабарнома олишга бўлган розилигидир.

Марказий банк юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга масъул бўлган органлардан ва солиқ органларидан «Электрон ҳукумат» идоралараро интеграцион платформаси орқали ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчининг (мавжуд бўлганда) тегишинча таъсис ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботларини сўраб олиши мумкин.

9. Вақтинчалик тартиб лойиҳасида қуйидагилар белгиланиши керак:

синовдан ўтказиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек тегишли бизнес-жараённинг тавсифи;

синовдан ўтказишнинг бошланиш ва тугаш саналари;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчисига татбиқ этилмайдиган қонунчилик ҳужжатлари нормалари (мавжуд бўлганда);

«тартибга солиш қумдони» шартлари, «тартибга солиш қумдони» иштирокчисига нисбатан жорий этиладиган чекловлар рўйхати, шу жумладан мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган чекловлар;

«тартибга солиш қумдони» жорий этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиб-таомиллари ва мезонларини, шу жумладан мазкур Низом 3-иловасига асосан мақсадли индикаторлар (миқдор ва сифат кўрсаткичлари);

молиявий хизматни синовдан ўтказиш бекор қилинганда ёки муваффақиятсиз деб топилганда «тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг кейинги ҳаракатлари (мижозларга хизмат кўрсатиш ёки шартномаларни бекор қилиш, маблағларни қайтариш тартиби ва бошқа шартлар);

мижозлар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминловчи коидалар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга доир талаблар;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақида Марказий банкка ҳисобот тақдим этиш тартиби;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этиш муддати;

«тартибга солиш қумдони» доирасида Марказий банк билан ҳар қандай алоқа боғлаш усуллари, шу жумладан, электрон алоқа воситалари ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усуллар;

молиявий хизматни жорий этиш ва қўллаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар.

10. «Тартибга солиш қумдони» доирасида қуйидаги чекловлар ўрнатилиши мумкин:

молиявий хизмат тақдим этилиши мумкин бўлган мижозлар тури

(жисмоний шахслар, ўзини ўзи банд қилган шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахслар) ва сони;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчиси томонидан амалга ошириладиган операциялар сони ва ҳажми;

синовдан ўтказишни амалга ошириш жойи (ҳудуди);

берилган тўлов инструментлари ёки тузилган шартномалар сони;

бир мижоз томонидан, шу жумладан белгиланган вақт (кун, ҳафта, ой, чорак) давомида амалга ошириладиган операцияларнинг максимал ҳажми.

## 2-§. Аризаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш

11. Марказий банк молиявий хизматни синовдан ўтказиш учун аризани у қабул қилинган кундан эътиборан қирқ иш кунида кўриб чиқиб, «тартибга солиш қумдони» жорий этилиши мақсадга мувофиқ ёки жорий этилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризани кўриб чиқиш муддатига ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) томонидан ҳужжатларни қайта ишлашга сарфланган вақт кирмайди.

Аризани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Молиявий хизматни синовдан ўтказиш жорий этилганлиги айнан шундай молиявий хизматни жорий этиш бўйича тақдим этилган бошқа аризани рад этиш учун асос бўлмайди.

12. Аризани кўриб чиқишда Марказий банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) билан ҳамкорлик қилиш, шу жумладан ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчидан (мавжуд бўлганда) мазкур Низом талабларига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш борасида;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган вақтинчалик тартиб лойиҳасига ва молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақидаги ҳисобот шаклига ариза берувчи ва биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритиш (қайта ишлаш), шу жумладан «тартибга солиш қумдони» иштирокчисига нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари қўлланилиши тўғрисида ўзгартиришлар киритиш. Бунда, ўзгартиришлар лойиҳаси келишиш учун ариза берувчига ва биргаликда ариза берувчига (мавжуд бўлганда) ёзма равишда келишиш муддатини кўрсатган ҳолда юборилади.

13. «Тартибга солиш қумдони»ни жорий этиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

таклиф этилаётган молиявий хизмат мазкур низомнинг 3-бандида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлмаса;

янги молиявий хизматни «тартибга солиш қумдони»ни жорий этмасдан кўрсатиш имконияти мавжуд бўлса;

ариза берувчи ва (ёки) биргаликда ариза берувчи (мавжуд бўлганда) мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлмаса;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва (ёки) бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлса;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек умум эътироф этилган халқаро стандартларга (Банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиялари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ҳоказолар) мувофиқ қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмасликка олиб келиши аниқланса;

молиявий хизматни синовдан ўтказишда унга хос бўлган таваккалчиликларни бошқариш имконияти мавжуд бўлмаса;

вақтинчалик тартиб лойиҳасига ва молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақидаги ҳисобот шаклига ўзгартиришлар киритиш бўйича келишувга эришилмаган бўлса.

14. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ва биргаликда ариза берувчига (мавжуд бўлганда), у қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ёзма шаклда юборилади.

«Тартибга солиш қумдони» ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб қарор қабул қилинганда хабарномага Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан тасдиқланган вақтинчалик тартиб илова қилинади.

«Тартибга солиш қумдони» ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эмас деб қарор қабул қилинганда хабарномада рад этиш асослари кўрсатилади.

15. Янги молиявий хизматни «тартибга солиш қумдони»ни жорий этмасдан кўрсатиш имконияти мавжудлиги сабабли «тартибга солиш қумдони»ни жорий этиш рад этилган тақдирда, ариза берувчига ва биргаликда ариза берувчига (мавжуд бўлганда) мазкур молиявий хизматни кўрсатиш бўйича мавжуд имкониятлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тушунтириш юборилади.

16. «Тартибга солиш қумдони» иштирокчиси вақтинчалик тартибга ўзгартириш киритиш, шу жумладан синовдан ўтказиш муддатини «тартибга солиш қумдони»нинг амал қилиш муддати доирасида узайтириш тўғрисидаги ариза билан Марказий банкка мурожаат этиши мумкин. Бунда, синов муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза синов муддати тугашидан камида бир ой олдин берилиши лозим.

17. Вақтинчалик тартибга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ариза Марказий банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Синовдан ўтказиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, вақтинчалик тартибга синовдан ўтказишни яқунлашнинг янги муддатини ўз ичига олувчи ўзгартириш киритилади.

### **3-§. Молиявий хизматни синовдан ўтказишни бекор қилиш**

18. Марказий банк томонидан молиявий хизматларни синовдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

«тартибга солиш қумдони» иштирокчиси томонидан молиявий хизмат-

ни синовдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан Марказий банкка мурожаат этилганда. Бунда, «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси Марказий банкка синовдан ўтказишни бекор қилиш сабаблари ва муддатини, тартибга солиш қумдони доирасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш тартибини ўз ичига олган хабарномани юборади;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчиси томонидан молиявий хизматни синовдан ўтказишни бошлаш вақтинчалик тартибда белгиланган санадан эътиборан олти ойдан ортиқ муддатга кечикканда;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчиси томонидан вақтинчалик тартиб шартлари мунтазам равишда (синовдан ўтказиш муддати давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) бузилганда;

мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ҳужжатларда нотўғри кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги факти аниқланганда;

«тартибга солиш қумдони» иштирокчисидан Марказий банк томонидан берилган лицензия чақириб олинганда, унинг амал қилиши тугатилганда, бекор қилинганда ёки «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси Марказий банк томонидан юритиладиган тегишли реестрдан чиқарилганда ёки у банкрот бўлганда.

Бунда, Марказий банк «тартибга солиш қумдони» амал қилиши бекор қилинганлиги тўғрисида, бундай қарор қабул қилинганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда у қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида «тартибга солиш қумдони» иштирокчисига хабарнома юборади. «Тартибга солиш қумдони» иштирокчиси хабарномада кўрсатилган вақтдан бошлаб молиявий хизматни синовдан ўтказишни тугатиши шарт.

«Тартибга солиш қумдони» иштирокчиси «тартибга солиш қумдони» бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабарномани олган кундан эътиборан беш иш куни ичида, мижозларни «тартибга солиш қумдони» доирасидаги фаолият тугатилганлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим. Бунда, «тартибга солиш қумдони» бекор қилиниши мазкур режим доирасида тузилган шартномалар бўйича томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди. Марказий банк «тартибга солиш қумдони» доирасида фаолият кўрсатган ташкилотларнинг «тартибга солиш қумдони» доирасида тузилган шартномалари бўйича мажбуриятлари бажарилгунига қадар мазкур ташкилотлар устидан назоратни амалга оширади.

### **3-боб. «Тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

19. «Тартибга солиш қумдони» иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга: синовдан ўтказиладиган молиявий хизматни вақтинчалик тартибда назарда тутилган шартларда кўрсатиш;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш муддатини узайтириш ёки синовдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан Марказий банкка мурожаат этиш;

вақтинчалик тартиб шартларини ўзгартириш бўйича асослантирилган сабабларни кўрсатган ҳолда Марказий банкка мурожаат этиш;

«тартибга солиш қумдони» доирасида Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорлар устидан судга шикоят қилиш.

20. «Тартибга солиш қумдони» иштирокчиси қўйидагиларга мажбур:

вақтинчалик тартиб шартларига риоя этишга;

Марказий банк вакилларига инспекция ва алоҳида масалалар юзасидан текширув ўтказишга, шу жумладан синовдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ахборотларни олиш учун «тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг ахборот тизимидан фойдаланишга тўсқинлик қилмасликка;

мижозларни молиявий хизмат синовдан ўтказиш режимида тақдим этилаётганлиги, шунингдек мазкур хизматдан фойдаланишдаги эҳтимолий таваккалчиликлар тўғрисида хабардор қилишга;

мижозлар билан «тартибга солиш қумдони»нинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврга шартномалар тузиш;

молиявий хизматни синовдан ўтказиш жараёни ҳақидаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишга;

мижозга унинг розилигисиз, шу жумладан «тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг хатоси сабабли кўрсатилган молиявий хизматлар натижа-сида етказилган зарарни сўзсиз қоплаб беришга.

#### **4-боб. «Тартибга солиш қумдони»нинг амал қилишини яқунлаш**

21. Молиявий хизматни синовдан ўтказиш яқунланганидан сўнг, «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси вақтинчалик тартибда белгиланган муддатда Марказий банкка қўйидагиларни ўз ичига олувчи молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади:

«тартибга солиш қумдони» жорий этилишининг самарадорлиги ва натижадорлиги, шу жумладан вақтинчалик тартибда белгиланган мақсадли индикаторларга эришилганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

синовдан ўтказиш давомида «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси дуч келган муаммолар тавсифини;

мижозлар томонидан янги молиявий хизматга бўлган талабнинг баҳола-нишини;

мижозларнинг янги молиявий хизмат тақдим этилиши билан боғлиқ ши-коятлари тўғрисидаги маълумотларни;

синовдан ўтказиш давомида аниқланган таваккалчиликлар тўғрисидаги маълумотларни;

синовдан ўтказилган молиявий хизматни кейинчалик кўрсатишга тўсқин-лик қилиши мумкин бўлган қонунчилик нормалари рўйхатини.

22. Марказий банк молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш натижаси бўйича молиявий хизмат-ни кўрсатишда унга хос бўлган таваккалчиликларни бошқариш имконияти мавжуд бўлганда, шунингдек «тартибга солиш қумдони» иштирокчиси то-монидан мақсадли индикаторларга (миқдор ва сифат кўрсаткичларига) эри-шилган тақдирда синовдан ўтказишни муваффақиятли деб, акс ҳолда муваф-фақиятсиз деб топади. Бунда, тегишли қарор молиявий хизматни синовдан

ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида қабул қилинади.

23. Марказий банк молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиққан кундан эътиборан уч иш куни ичида «тартибга солиш қумдони» иштирокчисини уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабардор қилади.

24. Синовдан ўтказиш натижалари муваффақиятли деб топилган тақдирда, Марказий банк синовдан ўтказилган молиявий хизматни чекловларсиз амал қилишини жорий этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича чораларни кўради ёки молиявий хизматни жорий қилишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифларни тайёрлайди.

25. Синовдан ўтказиш муваффақиятсиз деб топилган тақдирда, хабарномада «тартибга солиш қумдони» амал қилиши тугатилганлиги кўрсатилиши лозим. Бунда, Марказий банк «тартибга солиш қумдони» доирасида фаолият кўрсатган ташкилотларнинг «тартибга солиш қумдони» доирасида тузилган шартномалари бўйича мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

#### **5-боб. «Тартибга солиш қумдони»нинг шаффофлиги ва оммавийлигини таъминлаш**

26. «Тартибга солиш қумдони» амал қилишининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида, Марказий банк ўзининг веб-сайтида «тартибга солиш қумдон»лари рўйхатини жойлаштиради.

27. «Тартибга солиш қумдон»лари рўйхатига қуйидаги маълумотлар киритилади:

«тартибга солиш қумдони» иштирокчисининг номи ва веб-сайти (мавжуд бўлганда);

синовдан ўтказиладиган молиявий хизматнинг қисқача тавсифи;

вақтинчалик тартиб имзоланган сана;

синовдан ўтказиш бошланадиган ва тугатиладиган сана, шу жумладан синовдан ўтказиш муддати узайтирилганда у тугатиладиган сана;

синовдан ўтказишнинг жорий ҳолати (амалга оширилмоқда, тугатилган, бекор қилинган);

синовдан ўтказиш натижалари (муваффақиятли, муваффақиятсиз).

28. Мазкур Низомнинг 27-бандида кўрсатилган маълумотлар Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг уч иш куни ичида «тартибга солиш қумдон»лари рўйхатига киритилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги  
махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Молиявий хизматни синовдан ўтказиш натижалари  
бўйича муваффақиятлигини баҳолаш учун  
мақсадли индикаторлар  
РЎЙХАТИ**

**I. Умумий индикаторлар**

1. Жисмоний шахс ҳисобланган мижозлар сони.
2. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритувчи жисмоний шахслар сони.
3. Юридик шахс ҳисобланган мижозлар сони.
4. Фаол мижозлар (ўтган ой давомида хизматдан камида бир маротаба фойдаланган мижозлар) улуши.
5. Идентификациядан ўтган мижозлар улуши.
6. Мижозларнинг қониққанлик даражаси (анкета/сўров натижалари бўйича қисман танловда қониққанлик индекси асосида).
7. Молиявий хизматнинг истеъмол хусусиятлари яхшиланиши натижасида унинг шаклланган нархи.
8. Ички назорат хизмати томонидан шубҳали деб топилган операциялар улуши (операциялар сони бўйича).
9. Ички назорат хизмати томонидан шубҳали деб топилган операциялар улуши (операциялар ҳажми бўйича).

**II. Тўловлар ва пул ўтказмалари доирасидаги лойиҳалар  
учун индикаторлар**

1. Технологиядан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар ҳажми.
2. Умумий мижозлар базаси кесимида ва фаол мижозлар орасида бир тўлов инструментида фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар ўртача миқдори.
3. Умумий мижозлар базаси кесимида ва фаол мижозлар орасида бир тўлов инструментида (бир ой ичида) фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар ўртача сони.
4. Мижозларга тақдим этилган тўлов инструментлари сони.
5. Тўловчи учун операциянинг ўртача нархи.
6. Қабул қилувчи учун операциянинг ўртача нархи.
7. Операциялар ҳажмининг ўртача ойлик ўсиш суръати.
8. Тўлов амалга ошириш бўйича операциялар ҳажмининг нақд пул ечиш бўйича операциялар ҳажмига нисбати.

9. Мижозлар томонидан баҳслашилган операциялар улуши (операциялар сони бўйича).

10. Мижозлар томонидан баҳслашилган операциялар улуши (операциялар ҳажми бўйича).

11. Мижозларга қоплаб берилган баҳслашилган операциялар улуши (операциялар сони бўйича).

12. Мижозларга қоплаб берилган баҳслашилган операциялар улуши (операциялар ҳажми бўйича).

### **III. Кредитлаш соҳасидаги лойиҳалар учун индикаторлар:**

1. Берилган кредитларнинг (қарзларнинг) умумий ҳажми.
2. Берилган кредитларнинг (қарзларнинг) умумий сони.
3. Берилиши маъқулланган кредитларнинг (қарзларнинг) ўртача миқдори.
4. Кредит (қарз) олиш учун маъқулланган аризалар улуши.
5. Тўловлар бўйича кечикишларга йўл қўйган мижозлар улуши.
6. Берилган кредитлар (қарзлар) бўйича қарздорликларнинг ўртача миқдори.
7. Берилган кредитлар (қарзлар) бўйича қарздорликларнинг умумий ҳажми.
8. Кредит (қарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ўртача вақти.

### **IV. Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан белгиланган бошқа индикаторлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**377** «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПҚ–282-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортини беришга доир давлат хизмати кўрсатиш тартибини янада содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 10 майдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3161, 2019 йил 22 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.05.2019 й., 10/19/3161/3164-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 сентябрь,  
322-сон

*Келишилди:*

**Ташқи ишлар вазири**

**В. НОРОВ**

*2022 йил 7 сентябрь*

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси**

**А. АЗИЗОВ**

*2022 йил 19 сентябрь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**378** Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ–6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон қарори (рўйхат рақами 3252, 2020 йил 30 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3252/1098-сон) билан тасдиқланган Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
19/2-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 5 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил  
22 августдаги 19/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгариш ва  
қўшимчалар**

1. 20-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи мазкур банднинг 1-кичик бандида кўрсатилган ҳужжат имзоланганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза тақдим этади ва унга қуйидагиларни икки нусхада илова қилади:»;

1 ва 2-кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) муассислар томонидан имзоланган таъсис шартномасини. Банк бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда, муассиснинг банкни таъсис этиш ҳақидаги якка тартибда қабул қилинган қарори тақдим этилади;

2) банк икки ва ундан ортиқ муассислар томонидан таъсис этилган ҳолларда таъсис йиғилишининг баённомасини. Баённома нусхалари банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланади;»;

9-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари тўғрисида мазкур Низомнинг 107-банди 5 — 10-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни;».

2. Қуйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup> ва 20<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«20<sup>1</sup>. Таъсис йиғилишининг баённомаси ва муассиснинг банкни таъсис этиш ҳақидаги якка тартибда қабул қилинган қарори банкни ташкил этиш, банкнинг устав капитали миқдорини белгилаш, банк уставини, ташкилий тузилмасини ва бизнес-режасини тасдиқлаш, банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарорларни ўз ичига олиши лозим.

20<sup>2</sup>. Таъсис шартномасининг ва муассиснинг банкни таъсис этиш ҳақидаги якка тартибда қабул қилинган қарорининг нусхалари, улардаги жисмоний шахсларнинг имзолари нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқланади.».

3. 22-бандда:

а) биринчи хатбоши «қуйидаги ҳужжатлар» деган сўзлардан кейин «икки нусхада» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 4-кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «чет эл банки капитали монандлигининг» деган сўзлар «чет эл банки капиталининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «устав капиталининг» деган сўзлар «хусусий капиталнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 23-банднинг биринчи хатбошиси «қуйидаги ҳужжатлар» деган сўзлардан кейин «икки нусхада» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 24-бандда:

биринчи хатбошидаги «уч» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

1 ва 2-кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) муассислар томонидан имзоланган таъсис шартномасини. Банк бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда, муассиснинг банкни таъсис этиш ҳақидаги яқка тартибда қабул қилинган қарори тақдим этилади;

2) банк икки ва ундан ортиқ муассислар томонидан таъсис этилган ҳолларда таъсис йиғилишининг баённомасини;»;

7 ва 8-кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) капиталининг ва кредит рейтингининг мазкур Низомнинг 25-банди 2-кичик бандида келтирилган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

8) банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари тўғрисида мазкур Низомнинг 107-банди 5 — 10-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни;».

6. 25-банднинг 2-кичик банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) юқори капитал ва кредит рейтинги кўрсаткичларига эга бўлган чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари деганда капитали ва кредит рейтинги қуйидаги талабларга мувофиқ бўлган шахслар тушунилади:».

7. 28-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари тўғрисида мазкур Низомнинг 107-банди 5 — 10-кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар;

ташкил этилаётган банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, усқуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилган хулосаси;»;

бешинчи хатбошидан «(уч нусхада)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг учинчи — бешинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар икки нусхада тақдим этилади.».

8. I бўлимнинг 2-бобидаги 6-параграфнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### **«6-§. Лицензияни қайта расмийлаштириш».**

9. 30, 31, 101, 109, 140, 151 ва 152-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Лицензияни қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.»

11. I бўлимнинг 2-бобидаги 7-параграфнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-§. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензияни бериш, шунингдек лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўлов».**

12. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ушбу Низомнинг 33-бандида назарда тутилган йиғим суммасининг ярми ундирилади.»

13. 43-бандда:

а) 1-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«норезидент бўлган жисмоний шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;»; бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-кичик бандда:

иккинчи хатбоши «давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома» деган сўзлардан кейин «(норезидент бўлган юридик шахслар учун)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«охирги 3 йил учун, агар фаолият 3 йилдан кам муддатга амалга оширилган бўлса — амалда фаолият олиб борилган йиллар учун молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси нусхаси;»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қузатув кенгаши ва ижро этувчи орган аъзоларининг мазкур Низомнинг 52-бандида белгиланган ишчанлик обрўси мезонига мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар;»;

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

в) 3-кичик банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«гуруҳ иштирокчиларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ариза берувчининг охириги 3 йил учун консолидациялашган молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосаси нусхаси (маълумот ариза топшириш санасига қадар 90 кундан кеч бўлмаган санага бўлиши лозим);»;

г) 5-кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«капиталининг ва кредит рейтингининг мазкур Низомнинг 25-банди 2-кичик бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;».

14. 45-банд «ҳада тартибида» деган сўзлардан кейин «, суднинг қарорига асосан мулк ҳуқуқини олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

15. 52-банднинг 1-кичик банди учинчи хатбошисидаги «банкротлик» деган сўз «тўловга қобилиятсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



16. 75-бандда:

биринчи хатбоши «Марказий банкка» деган сўзлардан кейин «қуйидагиларни тақдим этади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк акциялари уларни кейинчалик бекор қилиш шarti билан банк устав капиталини камайтириш учун сотиб олинганда банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини, кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида сотиб олинганда — банк кузатув кенгашининг қарорини. Бунда қарорда банк томонидан ўз акцияларини сотиб олиш сабаблари кўрсатилади.»

17. 76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«76. Банк устав капиталини камайтириш мақсадида ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олгандан сўнг уставига банк устав капиталини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни киритади.»

18. 77-банднинг 3-кичик банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички назорат ва (ёки) комплаенс назорат учун масъул бўлган таркибий бўлинма раҳбари;».

19. 84-бандда:

биринчи хатбошидаги «мувофиқлигига» деган сўз «мувофиқлигига» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «сайланаётган» деган сўз «сайланган» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«келишиб олинган кунидан бошлаб 12 ой мобайнида шу банкнинг ўзида ўша талаблар қўйилган бошқа лавозимга ёки ўзи эгаллаб турган лавозимга қайта сайланган ёки тайинланган раҳбарни;».

20. 88-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«88. Марказий банк номзодни алоҳида баҳолайди ва унинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини жумладан асослантирилган мулоҳазадан фойдаланган ҳолда аниқлайди.»

21. 89-банддаги «қатъий назар» деган сўзлар «қатъи назар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 90-бандда:

биринчи хатбошидаги «баҳолашга» деган сўз «баҳолашда» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«номзод ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида ўзи ҳозирда ёки илгари ижроия органи, кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёхуд ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган иштирокчиси (акциядори) сифатида ёки бошқа усулда назорат қилган ёки назорат қилаётган юридик шахсни тўловга қобилиятсизлик ва мажбурий ликвидация ҳолатига олиб келганлигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;».

23. 94-бандда:

тўртинчи хатбоши «банк бошқаруви аъзолари учун» деган сўзлардан кейин «, бундан бошқарув раиси мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари учун, бундан бош бухгалтер мустасно — банк ва (ёки) молия тизимида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;».

24. 100-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«100. Номзод ташкилот фаолиятининг қўлами, хусусияти, миқёси ва мураккаблиги, шунингдек бажарилаётган касбий мажбуриятларнинг хусусияти ва мураккаблигидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта молиявий ёки номолиявий ташкилотларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаши, бошқа касбий мажбуриятларни бажариши мумкин. Бунда номзодга қўйидагилар тақиқланади:

бир вақтнинг ўзида беш ва ундан ортиқ юридик шахснинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши;

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўла туриб, бир вақтнинг ўзида мазкур банкнинг бошқаруви аъзоси ёки унинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларида бошқарув органлари аъзоси бўлиши ёхуд уларда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши;

банкнинг бошқаруви аъзоси, муҳим аҳамиятга эга ходими, вақтинчалик бошқарувчиси ёки тугатиш комиссияси аъзоси бўла туриб, бир вақтнинг ўзида бошқа икки ва ундан ортиқ корхона ва ташкилотларда, шу жумладан давлат органларида меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаши;

банкнинг бошқаруви аъзоси, муҳим аҳамиятга эга ходими, вақтинчалик бошқарувчиси ёки тугатиш комиссияси аъзоси бўла туриб, бир вақтнинг ўзида бошқа уч ва ундан ортиқ юридик шахснинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши.».

25. 107-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«107. Банк номзодни келишиб олиш учун Марказий банкка қўйидагиларни тақдим этади:

1) банк бошқаруви раиси томонидан имзоланган ариза;

2) банк ваколатли органининг номзодни лавозимига сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қароридан ёки бошқарув раисининг номзодни лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруғидан кўчирма;

3) номзоднинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил кўрсатилган ҳужжат нусхаси;

4) номзоднинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун банк томонидан ўтказилган дастлабки баҳолаш натижалари акс эттирилган ҳужжат;

5) мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ номзод томонидан тўлдирилган анкета;

6) номзоднинг мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги объективка-маълумотномаси;

7) норезидент бўлган жисмоний шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;  
8) номзоднинг меҳнат тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, бундан Ўзбекистон Республикасида тўпланган меҳнат тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси мустасно;

9) номзоднинг олий маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, бундан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси мустасно;

10) номзод доимий яшаш жойига эга бўлган, 90 кундан ортиқ яшаган ёки яшаётган барча давлатларнинг (Ўзбекистон Республикасидан ташқари) масъул органлари томонидан сўнги 90 кун ичида берилган номзоднинг судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома.»

26. 108-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «ҳужжатлар билан бирга қуйидагиларни тақдим этади» деган сўзлар «ҳужжатларни ва қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-кичик бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардан «тугатилаётган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнинг кўчмас мулкига рақобатчи бўлган мулкка эгалик қилиши тўғрисида, агар тугатиш ёки вақтинчалик бошқарув жараёнида мазкур мулкни баҳолаш, тасарруф этиш ёки бошқариш кўзда тутилган бўлса;

тугатиш жараёнида банк тугатувчиси ёки вақтинчалик бошқарувчи вазифасини холис бажариш учун тўсқинлик қилувчи ҳар қандай молиявий ва ишбилармонлик манфаатлари ёки ҳолатлари тўғрисида;».

27. 115-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк номзоднинг суҳбатда қатнашиш учун белгиланган кунда ва вақтда Марказий банкда ҳозир бўлишини ёки видеоконференц-алоқа тизимига улашини таъминлаши лозим.».

28. 130 — 132-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«130. Банклар Ўзбекистон Республикасида Марказий банкни хабардор қилган ҳолда филиаллар очиши мумкин.

Банк филиали банкнинг кузатув кенгаши қарорига мувофиқ очилади ва тугатилади ҳамда ўз фаолиятини банкка берилган лицензия ва банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган филиал тўғрисидаги низом асосида амалга оширади.

131. Банклар ўз филиалини очганлик ёки тугатганлик тўғрисида Марказий банкка мазкур Низомнинг тегишли равишда 132 ва 139-бандларида белгиланган тартибда хабарнома юбориши шарт.

Банк филиалини очганлик ёки тугатганлик тўғрисида Марказий банкни белгиланган тартибда хабардор қилмай амалга ошириладиган фаолият қонунга хилофдир.

132. Банк филиал очганда ҳамда мазкур Низомнинг 132<sup>1</sup>-бандида кўрсатилган талаблар ва шартларга риоя этган тақдирда Марказий банкка банк филиалини очганлик тўғрисида мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ

шаклда ёзма хабарнома юбореди ва унга қуйидаги хужжатларни илова қилади:

банк кузатув кенгашининг филиални очиш тўғрисидаги қарори;

филиал раҳбари ва бош бухгалтерининг мазкур Низомнинг тегишли равишда 134<sup>1</sup> ва 134<sup>2</sup>-бандларида кўрсатилган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар;

филиал жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг филиал биноси, унинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилган хулосаси.»

29. Қуйидаги мазмундаги 132<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«132<sup>1</sup>. Банк филиалини очганлик тўғрисидаги хабарномани Марказий банкка юбориш учун банк қуйидаги талаблар ва шартларга риоя этиши лозим:

банкнинг барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши;

филиал раҳбари ва бош бухгалтерининг мазкур Низомнинг тегишли равишда 134<sup>1</sup> ва 134<sup>2</sup>-бандларида белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлиши;

филиал биноси, унинг муҳофазаси таъминланиши, ускуналар, ташкилий-техника воситалари ва дастурий таъминот билан жиҳозланиши Марказий банк талабларига мувофиқ бўлиши.»

30. Қуйидаги мазмундаги 134<sup>1</sup> ва 134<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«134<sup>1</sup>. Филиал раҳбари қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

молия-иқтисод йўналишида олий маълумотга эга бўлиши;

банк-молия соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан раҳбарлик лавозимларида камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;

иқтисодиёт соҳасидаги, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёхуд жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганликка эга бўлмаслиги;

ижро органи аъзоси, кузатув кенгаши аъзоси ёки ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган иштирокчи (акциядор) сифатида ёхуд бошқа усулда ўзи томонидан назорат қилинган юридик шахсни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида тўловга қобилиятсизлик ва мажбурий ликвидация ҳолатига олиб келмаган бўлиши;

бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёхуд унинг назорати остида ишловчи яқин қариндошлардан бири бўлмаслиги.

134<sup>2</sup>. Филиал бош бухгалтери қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

молия-иқтисод йўналишида олий маълумотга эга бўлиши;

банк-молия соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва (ёки) молиявий ҳисоботни тузиш учун ма-

сзул бўлган таркибий бўлинмасида камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши.».

31. 135-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«135. Банк филиалининг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинганда банк мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган хулоса олинган санадан эътиборан 10 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка филиалнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборади. Хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

банк филиалининг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш ҳақидаги банк кузатув кенгашининг қарори. Бунда қарорда филиалнинг янги манзили кўрсатилиши лозим;

банк филиалининг янги биноси жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг филиал биноси, унинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилган хулосаси;

филиал манзили ўзгаришининг банк омонатчилари ва кредиторларига таъсири тўғрисида ахборот.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар), аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (махаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар) номининг ўзгариши натижасида банк филиалининг почта манзили ўзгарганда банк тегишли ўзгаришлар содир бўлган санадан эътиборан 20 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка мазкур ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.».

32. 136-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«136. Банк қуйидаги ҳолларда филиалининг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартиришга ҳақли эмас:»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк филиалининг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига номувофиқ бўлганда;».

33. Қуйидаги мазмундаги 136<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«136<sup>1</sup>. Банк филиалининг номи ўзгарганда банк филиал номини ўзгартириш тўғрисидаги кузатув кенгашининг қарори қабул қилинган санадан эътиборан 10 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка ушбу қарорни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.».

34. 139-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«139. Филиални тугатиш жараёни якунлангандан сўнг банк Марказий

банкка қўйидагиларни илова қилган ҳолда банк филиалини тугатганлик тўғрисида ёзма хабарнома юборади:»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«филиални тугатиш комиссиясини тузиш ҳақидаги банкнинг ваколатли бошқарув органининг қарори;».

35. 143-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«143. Марказий банк аризани мазкур Низомнинг 142-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилган кундан бошлаб 20 иш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқади.».

36. 156 — 159-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«156. Банк хизматлари офислари Марказий банкни хабардор қилган ҳолда очилади.

157. Банк банк хизматлари офисини очганда ҳамда мазкур Низомнинг 158-бандида кўрсатилган талаблар ва шартларга риоя этган тақдирда Марказий банкка банк хизматлари офисини очганлик тўғрисида мазкур Низомнинг 13-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома юборади ва унга қўйидаги ҳужжатларни илова қилади:

банкнинг ваколатли бошқарув органининг банк хизматлари офисини очиш тўғрисидаги қарори;

банк хизматлари офиси жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк хизматлари офисининг биноси, унинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилган хулосаси.

158. Банк хизматлари офисини очганлик тўғрисидаги хабарномани Марказий банкка юбориш учун банк қўйидаги талаблар ва шартларга риоя этиши лозим:

банкнинг барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши;

банк хизматлари офисининг биноси, унинг муҳофазаси таъминланиши, ускуналар, ташкилий-техника воситалари ва дастурий таъминот билан жиҳозланиши Марказий банк талабларига мувофиқ бўлиши.

159. Банк хизматлари офиси тугатилганда банк Марказий банкка қўйидагиларни илова қилган ҳолда банк хизматлари офисини тугатганлик тўғрисида ёзма хабарнома юборади:

банк хизматлари офисини тугатиш тўғрисидаги банкнинг ваколатли бошқарув органининг қарори;

банкнинг расмий веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилган банк хизматлари офисининг тугатилиши ҳақидаги эълон нусхаси.».

37. 161 ва 162-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«161. Банк хизматлари офисининг номи ўзгарганда банк банк хизматлари

офисининг номини ўзгартириш ҳақидаги банк ваколатли органининг қарори қабул қилинган санадан эътиборан 10 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка ушбу қарорни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

162. Банк хизматлари офисининг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинганда банк мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган хулоса берилган санадан эътиборан 10 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка банк хизматлари офисининг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги тўғрисида ёзма хабарнома юборади. Хабарномага қуйидагилар илова қилинади:

банк хизматлари офисининг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш ҳақидаги банкнинг ваколатли органининг қарори. Бунда қарорда банк хизматлари офисининг янги манзили кўрсатилиши лозим;

банк хизматлари офиси жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк хизматлари офисининг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ташкилий-техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда берилган хулосаси.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар), аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар) номининг ўзгариши натижасида банк хизматлари офисининг почта манзили ўзгарганда банк тегишли ўзгаришлар содир бўлган санадан эътиборан 20 иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка мазкур ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.»

38. 195-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«195. Марказий банк банкни қайта ташкил этишга доир рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани, мазкур ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан 20 иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади. Банкни қайта ташкил этишга доир рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун Марказий банк томонидан йиғим ундирилмайди.»

39. 2-иловада:

«Паспорт маълумотлари» деган сўзлар «Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Серия ва рақами» деган сўзлар «Серияси (мавжуд бўлса) ва рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

40. 6-илованинг 1.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.6. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат: серияси (мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_ рақами \_\_\_\_\_ ким томонидан берилгани \_\_\_\_\_ берилган санаси \_\_\_\_\_ (бир нечта давлат фуқаролигига эга бўлганда, уларнинг барчаси томонидан берилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг маълумотларини кўрсатинг)».

41. 11-илованинг 1.6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



«

1.6.	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари (бир нечта давлат фуқаролигига эга бўлганда, уларнинг барчаси томонидан берилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг маълумотларини кўрсатинг)	
	Серияси (мавжуд бўлса) ва рақами	
	Берилган сана	
	Амал қилиш муддати	
	Берган мамлакат	
	Берган орган	

».

42. 13-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-илласига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

43. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-илласига мувофиқ таҳрирда 13<sup>1</sup>-илова билан тўлдирилсин.

Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга  
13-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

### Банк филиалини очганлик тўғрисида ХАБАРНОМА

-----  
(банк номи)

----- филиали очилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Банк ушбу хабарномани юбориш орқали қуйидагиларни тасдиқлайди:

- 1) банкнинг барқарор молиявий ҳолатга\* эга эканлигини;
- 2) филиал раҳбари ва бош бухгалтерининг малакаси Марказий банк томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлигини;
- 3) филиал биноси, унинг муҳофазаси таъминланиши, ускуналар, ташкилий-техника воситалари ва дастурий таъминот билан жиҳозланиши Марказий банк талабларига мувофиқлигини.

\* банкнинг барқарор молиявий ҳолати — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлигини ва рентабелли

фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифода-ловчи ҳолати.

Филиал тўғрисидаги маълумотлар:

Жойлашган ери/почта манзили \_\_\_\_\_

(вилоят, шаҳар/туман, МФЙ/ШФЙ, кўча номи ва уй рақами кўрсатилади)

Почта индекси \_\_\_\_\_ Телефон \_\_\_\_\_ Факс \_\_\_\_\_

Хабарномага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_ варақда:

1) \_\_\_\_\_;

2) \_\_\_\_\_;

3) \_\_\_\_\_.

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ й.

Бошқарув раиси \_\_\_\_\_

(имзо)

».

Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга  
13<sup>1</sup>-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

### Банк хизматлари офисини очганлик тўғрисида ХАБАРНОМА

\_\_\_\_\_ (банк номи)

\_\_\_\_\_ банк хизматлари офиси очилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Банк ушбу хабарномани юбориш орқали қуйидагиларни тасдиқлайди:

1) банкнинг барқарор молиявий ҳолатга\* эга эканлигини;

2) банк хизматлари офиси биноси, унинг муҳофазаси таъминланиши, ускуналар, ташкилий-техника воситалари ва дастурий таъминот билан жиҳозланиши Марказий банк талабларига мувофиқлигини.

\* банкнинг барқарор молиявий ҳолати — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати.

Банк хизматлари офиси тўғрисидаги маълумотлар:

Жойлашган ери/почта манзили \_\_\_\_\_  
(вилоят, шаҳар/туман, МФЙ/ШФЙ, кўча номи ва уй рақами кўрсатилади)

Почта индекси \_\_\_\_\_ Телефон \_\_\_\_\_ Факс \_\_\_\_\_

Банк хизматлари офиси бириктирилган филиал  
номи ва коди: \_\_\_\_\_

Хабарномага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати \_\_\_\_\_ варақда:

- 1) \_\_\_\_\_;
- 2) \_\_\_\_\_;
- 3) \_\_\_\_\_.

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ й.

Бошқарув раиси

\_\_\_\_\_  
(имзо)

».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I**379** O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida\*

*(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 5-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2202-5)*

O‘zbekiston Respublikasining 2022-yil 3-avgustdagi O‘RQ–786-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish, shuningdek ayrim qonun hujjatlarini o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 5-iyuldagi PF–6256-son “O‘zbekiston Respublikasida sud-ekspertlik tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2011-yil 2-martdagi 53-mh-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2202, 2011-yil 2-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 9-son, 92-modda) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**R. DAVLETOV**

Toshkent sh.,  
2022-yil 5-oktabr,  
21-mh-son

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2022-yil 5-oktabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2022-yil 5-oktabrdagi  
21-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Yo'riqnoma O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida (bundan buyon matnda ekspertiza muassasasi deb yuritiladi) sud ekspertizasini o'tkazish tartibini belgilaydi.”

2. 1-band quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“Iqtisodiy, fuqarolik va ma'muriy ish yuritilayotganda ishni sud muhokamasiga tayyorlash chog'ida yoki sud muhokamasi jarayonida ekspertiza muassasasi tomonidan shartnoma asosida ishonch bildiruvchi shaxs roziligi bilan advokat so'roviga ko'ra ekspertiza o'tkazilishi mumkin.

Ekspertiza muassasasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 22-noyabrdagi 706-son qarori bilan tasdiqlangan Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlariga muvofiq o'tkazilishi mumkin bo'lgan sud ekspertizasi turlari bo'yicha tadqiqotlar ro'yxatiga asosan shartnoma asosida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlariga muvofiq, tadqiqotlar o'tkazilishi va uning natijalariga ko'ra mutaxassis fikri berilishi mumkin.”

3. 12-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Advokat so'roviga ko'ra sud ekspertizasini hamda jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlariga asosan tadqiqotlarni o'tkazish muddatlari ekspertiza muassasasi bilan tuziladigan shartnomada belgilanadi.”

4. 17-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Advokat so'roviga orderning ko'chirma nusxasi, sud ekspertizasi advokat so'roviga ko'ra tayinlanganda esa o'rganish obyektlari va to'laqonli ekspertiza o'tkazish uchun zarur bo'lgan ish materiallari ham ilova qilinadi.”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**380** «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июлдаги 369-сон «Нотариал фаолиятни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 3-мх-сон «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/3114/2423-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 октябрь,  
22-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 7 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2022 йил 7 октябрдаги  
22-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Буйруқнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**».

2. Низомда:

1) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини (бундан буён матнда малака имтиҳони деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.».

2) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Танлов ва малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Танлов ва малака имтиҳони ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида комиссиянинг ишчи органи фаолият юритади. Ишчи органнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ресурслари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни тартибга солиш бошқармасининг соҳа бўйича масъул ходимлари орасидан шакллантирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган ўз фаолиятини комиссия раисининг раҳбарлигида амалга оширади.».

3) 2-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Танлов нотариус лавозими бўш бўлган тақдирда ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилганда ўтказилади.»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака имтиҳони Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июлдаги 369-сон қарори билан Хусусий нотариал фаолият бўйича малака имтиҳонини ташкил этиш юзасидан давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига (бундан буён матнда Регламент деб юритилади) мувофиқ, жисмоний шахснинг малака имтиҳонида иштирок этиш бўйича мурожаатини ўрганиш натижалари юзасидан талабгорнинг малака имтиҳонида иштирок этиши мақ-



садга мувофиқ деб топилган хулоса тасдиқлангандан сўнг, ушбу Регламентда белгиланган мuddатда ўтказилади.»

4) 2-бобнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«2-боб. Танловни ўтказишни ташкил этиш».**

5) 6-бандда:

биринчи хатбошидан «ёки малака имтиҳонида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «танлов ёки малака имтиҳонида» деган сўзлар «танловда» деган сўз билан алмаштирилсин.

6) 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

комиссия номига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;  
мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома;  
малака имтиҳонини топширганлиги (қайта топширганлиги) ҳақида ҳудудий адлия органи ҳузуридаги малака комиссиясининг қароридан кўчирма ёки белгиланган тартибда стажировка ўтаганлиги ҳақида маълумотнома.»

7) 71-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8) 72-банддан «ёки малака имтиҳонида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9) 14-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига танловда иштирок этиш бўйича келиб тушган ҳар бир талабгорнинг ҳужжатлари ишчи орган томонидан алоҳида ўрганиб чиқилади. Талабгорни танловда иштирок этишини рад этишга асослар мавжуд бўлса, ишчи орган томонидан бу ҳақда хулоса тузилади. Мазкур хулоса комиссия раиси томонидан тасдиқланади.»

9) 15-бандда:

биринчи ва бешинчи хатбошилардан «ёки малака имтиҳонида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «(фақат танлов бўйича талабгор)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11) 16-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«16. Талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганиш натижаларига кўра, ишчи орган томонидан тегишли равишда танлов ўтказиш тўғрисида ёки танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида хулоса тузилади ва у комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Танлов ўтказиш тўғрисидаги хулосада танлов ўтказиладиган сана кўрсатилади.»

12) 18-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

13) 19-бандда:

биринчи хатбошидан «ёки малака имтиҳони» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Танлов ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида у ўтказиладиган кундан

камида беш кун олдин танлов бўйича талабгорга унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофик шаклдаги хабарнома юборилади.».

14) 20-банддан «ёки малака имтиҳони» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15) 24-банд қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин: «ворислик ҳуқуқи.».

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

16) 28-банднинг бешинчи хатбошисидаги «61» рақами «6<sup>1</sup>» рақами билан алмаштирилсин.

17) 38-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Комиссия қарори бир нусхада тузилади. Танловдан сўнг бир иш куни ичида қарордан кўчирма танлов ҳолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун ҳудудий адлия органига юборилади.

Малака имтиҳонидан сўнг қарордан кўчирма бир иш куни ичида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юборилади.

Қарор танлов ёки малака имтиҳони бўйича йиғмажилдга тикиб қўйилади.».

18) 41-банднинг иккинчи хатбошисидаги «лицензия» деган сўз «хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19) 43-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Регламентда» деган сўз «Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июлдаги 369-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида низомда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20) 1-илова мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига мувофик таҳрирда баён этилсин.

21) 41 ва 51-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

«Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага  
ИЛОВА

«Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
хузуридаги Олий малака комиссиясига

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(талабгорнинг яшаш манзили ва Ф.И.О.)

### АРИЗА

Менга «Инсон ва қонун» газетасининг 20\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
даги \_\_\_\_\_-сонида берилган эълонга мувофиқ \_\_\_\_\_  
(давлат нотариал идорасининг номи)

\_\_\_\_\_ нотариуси лавозимига тайинлаш бўйича \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ танловда иштирок этишга рухсат беришин-  
гизни сўрайман.

Аввал нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танловда 20\_\_\_\_ йил  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да иштирок \_\_\_\_\_  
(танловда иштирок этганда кўрсатилади) (этмаганман ёки этганман)

Телефон рақамим: \_\_\_\_\_.

Электрон почта манзилим: \_\_\_\_\_.

Паспорт (идентификация ID-карта) маълумотларим:

\_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_  
(серияси) (рақами) (ЖШШИР)

\_\_\_\_\_»  
(сана) (имзо)

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 30 августдаги 19/14-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 4 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3391.**

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 28 сентябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2022 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3161-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 22 августдаги 19/2-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 5 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252-1.**

4. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 5-oktabrdagi 21-mh-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining sud ekspertiza muassasalarida sud ekspertizasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi burug'i.

**2022-yil 5-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2202-5.**

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 7 октябрдаги 22-мх-сон «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 7 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-3**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 10 майдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун анкета шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3161, 2019 йил 22 май).

***2022 йил 5 октябрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**